

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 323.1 (540)
ББК: 66.3 (5 Инд)
Т-87

ТЎРАЕВ ЎТКИР ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ҲИНДИСТОННИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ –
ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ**

5А 220202- “Хорижий мамлакатлар тарихи” (минтақалар бўйича)
мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертацияси

Илмий раҳбар: т.ф.н., доц. М.Б.Аҳмедов

Тошкент – 2011 йил

ҲИМОЯГА РУХСАТ БЕРИЛДИ:

Магистратура бўлими бошлиғи

ф.ф.н. доц. А. Ҳабибуллаев

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	4-11
АСОСИЙ ҚИСМ	
<i>I.БОБ ҲИНДИСТОНДА ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ КУРСИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ</i>	
I.1. Жавоҳарлаъл Неру Осиёнинг йирик давлат ва сиёсий арбоби..	12-25
I.2. Жавоҳарлаъл Нерунинг Мустақил Ҳиндистон халқ хўжалигини ривожлантиришдаги фаолияти	26-35
<i>II.БОБ ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ ҲИНДИСТОННИНГ ТАНИҚЛИ ОЛИМИ</i>	
II.1. Жавоҳарлаъл Неру гуманитар фанлар соҳасининг таниқли намоёниси	36-44
II.2. Жавоҳарлаъл Неру таниқли олим	45-49
<i>III.БОБ ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ ҲИНДИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ МЕЪМОРИ</i>	
III.1. Ҳиндистон Республикасининг ташқи сиёсий тамойиллари	50-55
III.2. Жавоҳарлаъл Неру – қўшилмаслик сиёсатининг асосчиси	56-64
III.3. Халқаро мажароларни ҳал этишда Жавоҳарлаъл Нерунинг фаолияти	65-70
ХУЛОСА	71-75
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	76-79

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Бугунги жаҳон сиёсий майдонида содир бўлаётган жараёнлар барчани глобализация томон етакламоқда. Кишилик жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик маданий, ахборот, иқтисодий, геосиёсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви кучайиб бормоқда. Бу жараён албатта, бугунги кун сиёсатида тинчлик ва хавфсизлик масаласига янада кўпроқ эътибор талаб қилади. Бу борада навқирон 20 ёшини нишонлаш арафасида турган мустақил давлатимиз учун дунёнинг иқтисодий таянч давлатларидан бири ҳисобланувчи Ҳиндистон тажрибасини чуқур таҳлиллар асосида ўрганиш, тадқиқ этиш ва хулосаларни амалиёт учун тадбиқ этиш муҳимдир. Иккинчи бир томондан, умрбод дунёнинг тинчлиги учун курашган фидоий дипломат тажрибаси бугунги замонда алоҳида ўрганиш зарур бўлган мактаб саналади, - дейиш мумкин. Зеро, Президентимиз И.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, “Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт¹.”

Ҳукуматимиз раҳбари “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида ва яна бир қатор Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти муносабатлари масалаларига бағишланган асарларида улкан назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни кўтариб чиқди. Юртбошимиз уларда ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларини чуқур таҳлил этган. Жумладан, 2010 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Малакатимизни модернизация қилиш ва

¹ Каримов И.А. мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.; “Ўзбекистон”, 2010. -Б. 6.

кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиз” мавзусидаги маърузасида ҳам минтақа ҳавфсизлиги Афғонистонда тинчлик ўрнатиш билан узвий боғлиқлигини алоҳида таҳлил этиб бердилар². Бу Ўзбекистон ҳукуматининг тинчлик учун қатъият билан олиб бораётган курашини ифодаладиган омил саналади.

Дунё тинчлиги учун курашган, “қўшилмаслик ҳаракати” асосчиси, Осиёнинг йирик давлат ва сиёсий арбобларидан бири шубҳасиз Жавоҳарлаъл Неру ҳисобланади. Ҳиндистоннинг ҳозирги замон тарихида ўз халқини озодлик учун мардонавор курашга чорлаган ва илҳом бахш этган йўлбошчилар - Бал Гангадхар Тилак, Махатма Ганди ва Жавоҳарлаъл Неру алоҳида ўрин тутди. Бу буюк сиймолар ҳақида Индира Ганди шундай деган эди: “Улар чинакам буюк кишилар эди. Бизнинг озодлигимиз уларнинг жасорати, матонати ва фидокорлиги туфайли қўлга киритилди. Бизнинг зиммамизга Ҳиндистоннинг буюк фарзандлари кўрсатган йўлдан боришдек улкан масъулият юкланди. Уларнинг фаолияти, хизмати ва аҳамиятини тўлатқис баҳолашдан аввал ўн йиллар ўтиши лозим... . Биз ҳаммамиз уларнинг ёрқин хотираси олдида бош эгамиз³.”

Ҳиндистон ноёб тарихга эга, юртимиз билан азалий ва мустақкам маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар, энг муҳими, самимий дўстлик ришталари билан боғланган мамлакат сифатида яхши маълум. Ўзбек ва ҳинд халқларининг тарихи, адабиёти, мусиқаси, тасвирий санъати ва меъморчилигида ҳам муштарак жиҳатлар кўп. Уларнинг бир-бирини яқиндан билиши, маданиятини ўзаро бойитиши кўп жиҳатдан буюк ажодимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ⁴. Беш йил муқаддам Тошкентда очилган Жавоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон – Ҳиндистон ахборот технологиялари марказининг фаолият доираси кенгайиб, оммавийлашиб бораётганлиги ҳам ушбу фикрларнинг тасдиқлайди.

² Каримов И. “Малакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиз” Ишонч газетаси, №12 28.01.2010

³ Индира Ганди. Статъи, речи, интервью, М., 1975. –С. 26.

⁴ Ўзбекистон – Ҳиндистон. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунларига доир. // Халқ сўзи. 2011 йил 19 май, №98, -Б. 1.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар узок тарихга эга. Ўзаро ишонч ва ҳурмат, манфаатдорлик ва амалий ҳамкорлик тамойилларига асосланган Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил тараққий этмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2005 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистонга ташриф буюрди⁵.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, таълим ва маданий йўналишда ҳам раванқ топмоқда. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик дастурига асосан ўзаро талабалар алмашиш йўлга қўйилган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида Ҳиндистон маркази фаолият юритмоқда. Тошкентда Ҳиндистон маданият маркази иш олиб бормоқда. 2005 йилда ушбу марказга Лаъл Баҳодир Шастри номи берилди. Марказ Ўзбекистондаги қатор вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари, ҳинд тилига ихтисослашган мактаблар билан мунтазам алоқани йўлга қўйган. Унинг ҳузурида ҳинд тили, ҳиндшунослик бўйича ўқув курслари мавжуд, бу ерда турли маданий дастурлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган “Ўзбекистон-Ҳиндистон” дўстлик жамияти томонидан ўтказиб келинаётган маданий-маърифий тадбирлар халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада кенгайишига хизмат қилмоқда. 2009 йили Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида ташкил этилган “Ҳиндистон-Ўзбекистон” дўстлик жамиятининг ҳинд халқига юртимиз миллий маданияти, урф-одатлари, қадрият ва анъаналари, бой тарихий мероси ҳамда бетакрор санъатини кенг тарғиб этишдаги ўрни беқиёс. Ўзаро муносабатларда иқтисодий йўналишдаги, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик,

⁵ Н.Умарова. Ўзбекистон – Ҳиндистон: ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истикболлари. // “Жаҳон АА”. 2011 йил 14 май.

нефт-газ, машинасозлик, тўқимачилик каби соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлардандир. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар амал қилади.

Ўзбекистон Ҳиндистонга хизматлар, пахта ва кончилик хомашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, рангли металллар экспорт қилади. Ҳиндистондан Ўзбекистонга фармацевтика маҳсулотлари, механик ва электрон ускуналар, оптик асбоблар, озиқ-овқат маҳсулотлари, пластмасса ва пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинади. Ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. 2010 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 150 миллион долларни ташкил қилди⁶.

Мамлакатимизда ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган 62 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мамлакатнинг 18 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар асосан тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган.

2011 йилнинг 15-18 май кунлари Президентимизнинг Ҳиндистонга навбатдаги давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада янги, юқори поғонага кўтаришга хизмат қилди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқаро майдонда бир-бирини кўллаб-қувватлаб, БМТ ва ШҲТ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқлар тобора кенгайиб бораётган бир пайтда тарихда ўтган машҳур инсонлар ва уларнинг жаҳон халқлари ҳаётига қўшган улкан ҳиссасини тадқиқ этиш, улар яратган таълимотларни янада оммалаштириш бугунги кун учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

⁶ Ўша жойда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Юртимизда мустақиллик йилларида Жавоҳарлаъл Неру шахси унинг Ҳиндистон тарихида тутган роли, ҳаёти, фаолиятига бағишланган илмий ишлар янада жонланди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, устозларимиз Т.Ғ.Ғиёсов⁷, А.А.Йўлдошев⁸, Н.Нуриддинов, Р.М.Алимов, Б.Обидовларнинг⁹ ушбу мавзуда амалга оширган ишлари анча салмоқлидир. Хусусан, тарих фанлари доктори, профессор Т.Ғ.Ғиёсовнинг бир қатор илмий асарлари, мақолалари айнан Ж.Неру фаолияти тарихини тадқиқ этишга бағишланган.

Жавоҳарлаъл Неру Ҳиндистонни янгидан кашф этган инсон сифатида амалга оширган ишлари ҳақидаги мухтасар маълумотларни ўзининг “Автобиография¹⁰”, “Ҳиндистоннинг кашф этилиши¹¹”, “Ҳиндистон ташқи сиёсати¹²”, “Мустақиллик ва ундан кейинги йилар¹³”, “Ҳиндистоннинг озодлиги¹⁴” каби ўндан ортиқ асарларида батафсил ёритиб берган. Шу нуқтаи назардан мавзу устида тадқиқот олиб боришга эҳтиёж йўқдек кўринади. Аммо, Ж.Неру “курси”ни бугунги фан талаби доираси таҳлилий ўрганиш, таҳликали даврда тинчлик ҳақидаги бой тажрибадан зарурий хулослар чиқариш муҳим ҳисобланади. Хорижда ҳам Ж.Неру фаолиятига бағишланган туркум тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, ҳиндистонлик олимлар С.Датт¹⁵, Ҳ.Камат¹⁶, С.Гопал¹⁷, инлиз олимлари М.Эдравдс¹⁸, М. Брихер¹⁹,

⁷ Ғиёсов Т.Ғ. Ватанини кашф этган инсон. // Фан ва турмуш журнали. ЎзФА. 1989 ноябрь. 24-26 б.; Ғиёсов Т.Ғ. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2000. 148-153 б.; Ғиёсов Т.Ғ. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2000. 148-153 б.

⁸ Йўлдошев А.А. Жавоҳарлаъл Неру. “Ўзбекистон”, Т., 1989.

⁹ Обидов Б. Жавоҳарлаъл Неру дунёкарашида инсонпарварлик ғоялари. // Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. 40-43 б.

¹⁰ Jawaharlal Nehru. An Autobiography. – London, 1953. P. 610.; Джавахарлал Неру. Автобиография. (перевод. В.В.Исаакович, Д.Э.Кунина, В.Н.Павлов)- М., «Иностранной литературы», 1955. С.653.

¹¹ Jawaharlal Nehru. The discovery of India. London, P. 600.; Джавахарлал Неру. Открытие Индии. –М.-Л., «Иностранной литературы», 1955. С.650.

¹² Jawaharlal Nehru. India's Foreign Policy. Delhi. 1961. (Selected speeches); Джавахарлал Неру. Внешняя политика Индии. Избранные речи и выступления. -М., 1965. С. 210.

¹³ Jawaharlal Nehru. Independence and after. Delhi. 1949. P. 230.

¹⁴ Jawaharlal Nehru. India's Freedom. I., 1962. P. 175.

¹⁵ Dutt S. Nehru in the Foreign office. Calcutta. 1977. P. 320.

¹⁶ Kamath H. Last days of Jawaharlal Nehru. Calcutta. 1977. P.184.

¹⁷ Сарвепалли Гопал. Джавахарлал Неру. (биография, 1-том 1889-1947), М., «Прогресс», 1989. С.445.; С.Гопал. Джавахарлал Неру. (биография, 2-том 1947-1956), М., «Прогресс», 1990. С.350.

¹⁸ Edwardes M. Nehru. A political biography. London. 1971. P. 410.

¹⁹ Brecher M. Nehru: a Political Biography. London. 1959. P.194.

В.Грокер²⁰, рус олимлари Ю.Насенко²¹, Р.Ульяновский²², А.Горев, В.Зимьянин²³, О.В. Мартышин²⁴, А.Володин, П.Шаштитколарнинг²⁵ тадқиқотларини алоҳида санаб ўтиш лозим.

Кўришиб турибдики, хорижда мавзу юзасидан кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилган ва оширилмоқда. Аммо, юртимизда ҳали Ж.Неру ижоди ва фаолиятини ўрганишга доир тадқиқотларни янада кучайтириш лозим, деган фикрдамиз. Бундай тадқиқотлар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстликни, ҳукуматларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети: Илмий тадқиқот ишимизнинг объектини Ҳиндистоннинг буюк фарзанди - Жавоҳарлаъл Нерунинг Ҳиндистонни озодликка эришуви, давлат бошқаруви, илм-фан, халқаро муносабатларга доир фаолияти ташкил этиб, унинг предмети Ж.Неру яшаган даврда мамлакат ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида содир бўлган муҳим воқеалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Магистрлик диссертация-мизнинг асосий мақсади Жавоҳарлаъл Неру ҳаёти, ижоди ва сиёсий-дипломатик, иқтисодий-ижтимоий йўналишлардаги фаолиятини алоҳида диссертация доирасида кенгроқ ёритиш, мавзуга доир бир қанча тарихчи ва сиёсатшуносларнинг фикрлари, хулосаларини қиёсий таққослаб, тадқиқ этишдан иборат. Мавзунинг ёритишда қуйидагилар асосий вазифалар сифатида белгилаб олинди:

1) Жавоҳарлар Неру қаламига мансуб асарларни батафсил ўрганиш, уларда ёритилган фикр-мулоҳазалар билан яқиндан танишиб чиқиш;

²⁰ Grocker W. Nehru. A Contemporary's Estimate. London. 1959. P.270.

²¹ Насенко Ю. Джавахарлал Неру и внешняя политика Индии. М., 1975. С. 258.

²² Ульяновский Р. Очерки национально-освободительной борьбы. М., 1979. С. 246.

²³ Горев А., Зимьянин В. Неру. (Жизнь замечательных людей), -М., 1980. С.416.

²⁴ Мартышин О.В. Политический взгляды Джавахарлала Неру. «Наука», М., 1981.

²⁵ Володин А., П.Шаштитко. Жизнь и борьба Джавахарлала Неру. «Пусть не обманет надежда!». П. М. 1990. С. 350.

2) Ҳорижда ва юртимизда шу кунгача Жавоҳарлаъл Неру фаолияти, Ҳиндистонда мустақиллик учун олиб борилган миллий-озолик ҳаракатларига доир чоп этилган китоблар, илмий мақолаларни ўрганиб чиқиш;

3) Жавоҳарлаъл Нерунинг сиёсий-дипломатик, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ва илмий соҳаларда амалга оширган ишларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш;

4) Жавоҳарлар Неруни “қўшилмаслик ҳаракати”нинг асосчиси сифатида можароли минтақаларда тинчликни ўрнатиш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, халқаро муаммоларни ҳал этишда моҳир дипломатлик фаолиятини таҳлилий ўрганиш, илмий хулосалар бериш;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Тадқиқот ишимизнинг илмий янгилиги Ж.Неру шахси фаолияти тарихининг ўзбек тилида биринчи мартаба алоҳида диссертация доирасида тадқиқ этилиши, турли ҳил манбаларда келтирилган маълумотларни таққослаб, янги илмий хулосалар тақдим этилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Тадқиқот ишимизнинг методологик асосини демократик тамойиллар, ошкоралик, янгича дунёқараш ҳамда янгича фикрлаш, миллий мафкура, миллий қадриятларга чуқур ҳурмат ҳамда мавзу моҳиятини турли адабиётларга таянган ҳолда ҳолис ва ҳаққоний ёритиш мазкур тадқиқотнинг услубий асосларини ташкил этади. Ишимизда илмий муаммони ўрганиш ва таҳлил қилишда тарих фани методлари – тарихий таққослаш, тизимийлик, хронологик тамойилларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: Ушбу тадқиқот ишимиз ХХ асрда Ҳиндистон тарихи ҳамда Осиёнинг таниқли сиёсий давлат арбоблари фаолияти тарихига доир ёрдамчи тарих курслари учун маърузалар матни, қўлланмалар, шахслар тарихига оид ёрдамчи тарих материаллари тайёрлашда ёрдам беради, - деган умиддамиз.

Диссертациянинг таркиби: Тадқиқот ишимиз кириш қисми, асосий қисм, 3 боб, хулоса, илова, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Мавзунини ёритишда Ж.Неру қаламига мансуб асарлар, унинг

фаолиятини ёритишга бағишланган адабиётлар, юртимиздаги “Лаъл Баҳодир Шастри” номидаги Ҳиндистон маданияти маркази кутубхонасида мавжуд материаллар, илмий мақолалар, интернетда тармоғида мавжуд электрон кутубхона, порталлар маълумотларидан кенг фойдаланилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

I. БОБ ҲИНДИСТОНДА ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ КУРСИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

I.1. Жавоҳарлаъл Неру Осиёнинг йирик давлат ва сиёсий арбоби

XX аср тарихи саҳифаларида улкан ва ўчмас из қолдирган Осиёнинг йирик сиёсий арбоби, мўътабар сиймоларидан бири Жавоҳарлаъл Неру 1889 йил 14 ноябрда Ҳиндистоннинг Аллоҳобод шаҳрида таваллуд топган²⁶. Унинг номи фақат бир миллиарддан ортиқ халқли Ҳиндистонни эмас, балки Осиё ва Африканинг юз миллионли халқлари, сайёрамиздаги барча тинчликсевар, тараққийпарвар кишиларнинг орзу-умидлари, тилак-хоҳишлари билан чамбарчас боғланган.

Жавоҳарлаъл Неру таваллудига 122 йил тўлди. У ҳинд халқининг йирик давлат арбоби, атоқли файласуф, иқтисодчи, тарихчи ва ҳуқуқшунос олим эди. Нерунинг авлод-аждодлари асли кашмирлик бўлиб, Каул фамилияси билан аталар эди. XVIII аср бошларида улар Дехлига кўчиб келиб, Нахр дарёси буйидаги ер-мулкка эга бўлдилар. Кейинчалик, ана шу “нахр” сўзидан “Неру” тахаллуси келиб чиқди.

Ж.Нерунинг отаси Мотилал Неру (1861-1931) Ҳиндистоннинг таниқли ва нуфузли адвокатларидан эди²⁷. Неру мамлакатдаги энг йирик сиёсий партия Ҳиндистон Миллий Конгресси ишида фаол қатнашди ва сўнгра бу партиянинг раҳбарларидан бири бўлди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, М.Неру Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати арбобларидан ҳисобланиб, касби адвокат эди. У Бирлашган вилоятлар қонун чиқариш кенгаши аъзоси (1909-1915), 1922 йил Конгрессдан чиққан сваражистлар (мустақилчилар) партиясининг раҳбари. Энг муҳими у 1928 йил Ҳиндистонга доминион ички ишларни ўзи идора қилиш ҳуқуқини беришни талаб қилган Конституция лойиҳасининг муаллифи, кейинчалик бу конституция “Неру конституцияси” номи билан машҳур бўлди. Шу жиҳатдан айтиб ўтиш лозимки, ёш

²⁶ Ғиёсов Т.Ғ. Ватанини кашф этган инсон. // Фан ва турмуш журнали. ЎзФА. 1989 ноябрь. –Б. 24.

²⁷ Сарвепалли Гопал. Джавахарлал Неру. (биография, 1-том 1889-1947), М., «Прогресс», 1989. С.7.

Жавоҳарлаъл учун отаси олиб борган фаолият муҳити ҳам алоҳида таъсирга эга бўлган. Уни фарзандининг келажакда “Янги Ҳиндистон бунёдкори” номи билан тарихда машҳур бўлишига эриша олган ота,- дейиш мумкин. Айнан 15 ёшида Жавоҳарлаъл отасининг талаби ва қистови билан билимини такомиллаштириш мақсадида Англияга боради ва Харроу, Кембриж ўқув юртларида таълим олади, Лондондаги адвокатлар жамиятининг фаолиятида иштирок этади. 1910 йилда Неру Кембриж университетини фахрий диплом билан битиради²⁸.

Бу давр Ҳиндистонда Англия мустамлака истибдодига қарши миллий озодлик ҳаракати авж олган, мамлакат бўйлаб “свараж” ва “свадешӣ” (миллий мустақиллик ва миллий саноат) шиорлари остида қизғин кураш бошланган эди. Бу воқеалар ўша вақтдаёқ ёш Жавоҳарлаълнинг ҳам фикру-зикрини ўзига жалб этганди. Ҳуқуқшунослик соҳасида бакалавр даражасига эришган Жавоҳарлаъл, 1912 йилда Ҳиндистонга қайтади ва отасининг адвокатлар идорасида хизмат қилади. 1916 йилда у, Кашмир брахманининг қизи Камолага уйланади²⁹.

Биринчи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейин Ҳиндистон халқ-озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилган Моҳандас Карамчанд Гандининг халқ ўртасида зўр обрў-эътиборга эга бўлиши Ж. Неруга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади ва у инглиз империалистларига қарши М.Ганди бошлаган курашнинг биринчи сафида бўлди; кейинчалик эса, Махатма Гандининг энг яқин сафдошларидан бирига айланди. Аммо, ҳинд халқи олдида турган қатор муаммолар хусусида Неру ўз устозидан олдинга кетди. Жумладан, Ҳиндистоннинг келажак тараққиёти масаласида Неру анчагина тараққийпарвар йўлни тутди³⁰.

I Жаҳон уруши даври (1914-1918) да Ҳиндистон метрополия томонидан урушда қатнашди. Ҳиндистон Миллий Конгресси I жаҳон уруши ва октябр инқилоби таъсирида ўз сиёсатини ўзгартирди. Мустамлакачиларга қарши

²⁸ Горев А., Зимянин В. Неру. (Жизнь замечательных людей), -М., 1980. С.11.

²⁹ Ғиёсов Т.Ғ. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2000. –Б. 149.

³⁰ Ўша жойда.

курашнинг Махатма Ганди тарғиб қилган сатояграха (куч ишлатмасдан каршилиқ кўрсатиш) шакли миллий ва майда буржуазия манфаатларига жуда мос тушди. Ганди таълимоти - гандизм Миллий Конфесс партиясининг расмий мафкурасига айланди³¹. Мустамлакачиларнинг Амритсар қирғини (1919 йил апрель)дан сўнг декабрда Миллий конгресс итоат қилмаслик компаниясини авж олдириб юборди.

1918-20 йилларда ишчилар миллий ҳаракати кучайди. 1920 йили Бутун Ҳиндистон касаба уюшмалари конгресси ташкил этилди. 1923-27 йилларда миллий озодлик ҳаракати вақтинча сусайди. Мустамлакачи ҳукмрон доиралар коммунистлар таъсиридан чўчиб, уларга қарши репрессия бошладилар.

1921 йилда мустақиллик учун курашда фаол қатнашган ота-ўғил Мотилал ва Жавоҳарлаъл минглаб ҳинд эрксеварлари қаторида қамоққа ташланди. Икки йилдан сўнг озод бўлган Жавоҳарлаъл тезда Ҳиндистон Миллий Конгрессининг бош қотиби этиб сайланди³².

1925 йил декабрда Ҳиндистон Коммунистик партияси (ХКП) тузидди. 1927 йилда Конгрессда аксипералистик кураш тарафдорларини бирлаштирган сўл қанот вужудга келди. Унга Ж. Неру ва С. Ч. Бос раҳбарлик қилдилар. 1927 йилда у, Брюссель (Белгия) шаҳридаги мазлум халқлар аксипералистик конгрессининг ишида Ҳиндистон Миллий Конгрессининг вакили сифатида қатнашди ва унда Европа, Осиё ва Африка халқлари, Миллий озодлик ва инқилобий ҳаракатнинг раҳбарлари билан учрашди. 1927 йили у, отаси билан Москвага илк бор таклиф қилинади. Бу ташриф Ҳиндистоннинг кейинчалик Иттифоқ билан илиқ муносабатда бўлишига замин яратди.

1929 йилда Жавоҳарлаъл Конгресснинг раислигига сайланди. 20-йилларнинг охири ва 30-40 йилларда Ж.Неру инглизлар томонидан 8 марта

³¹ Володин А., П.Шаститко. Жизнь и борьба Джавахарлала Неру. «Пусть не обманет надежда!». П. М. 1990. - С. 31.

³² Сарвепалли Гопал. Джавахарлал Неру. (биография, 1-том 1889-1947), М., «Прогресс», 1989. С.371.

ҳибсга олинди ва 10 йил қамоқда сақланди³³. Унинг М.Ганди билан олиб борган озодлик кураши колониаль ҳукумат билан ҳамкорликни тугатиш, Буюк Британия товарларига байкот эълон қилиш кабилар билан ифодаланди. Ж.Неруни полиция бир маротаба револьвер орқали отишга ҳам уриниб кўрган.

1929-33 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози Ҳиндистон акселимпериалистик ҳаракатини янги босқичга кўтарди. 1930 йили Миллий Конгресс М.Ганди раҳбарлигида яна бўйсунмаслик компаниясини бошлаб юборди. 1931 йил мартда Конгресс раҳбарлари мустамлакачи ҳукмрон доиралар билан музокара бошлади. Ҳар икки томон келиша олмагач, бўйсунмаслик компанияси 1934 йилгача давом эттирилди³⁴.

1935 йили Англия парламенти Ҳиндистонни бошқариш тўғрисида Конституцион Акт (қонун) қабул қилди³⁵. Бунга кўра, вилоятларнинг автоном ҳуқуқлари бир оз кенгайтирилиб, уларда маҳаллий ҳукумат тузилди. Лекин, ҳокимият илгаригидек инглиз мустамлакачилари қўлида қолаверди. Мамлакатда бу реакцион Актга қарши намойишлар бўлиб ўтди.

1935 йили узоқ вақтдан бери оғир дардга чалинган Нерунинг рафиқаси Камола Швейцарияда қазо қилади. Рим орқали ўз ватанига қайтаётган Неруни Италия фашизмнинг асосчиларидан Муссолини ўз хузурига таклиф этади. Аммо, Жавоҳарлаъл Гитлернинг бу яқин шеригига рад жавобини берди³⁶. Бу фашизмни кескин равишда қоралаган сиёсий арбобнинг жавоби эди. Неру ўша вақтдаёқ халқаро майдонда тинчлик адолат, демократия ва тараққиёт ғоялари учун изчил ва довурак курашчи, фашизм ва милитаризмни кескин қораловчи сифатида танилган эди. 1938 йилда у Франко режимига қарши курашаётган Испанияга ҳамда япон истилочиларига қарши жанг қилаётган Хитойга бориб, фашизм ва милитаризмни ошқора қоралайди.

³³ Гиёсов Т.Ғ. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2000. –Б. 150.

³⁴ Jawaharlal Nehru. An Autobiography. – London, 1953. P. 57.

³⁵ Ўша жойда.

³⁶ Гиёсов Т.Ғ. Ватанини кашф этган инсон. // Фан ва турмуш журнали. ЎзФА. 1989 ноябрь. –Б. 25.

Шундай вазиятда Ҳиндистон Миллий Конгресининг кўзга кўринган арбобларидан Субхас Чандра Бос бошқача йўл тутди. У Германиянинг иттифоқчиси Япониянинг ҳарбий кучига таяниб, Ҳиндистонни инглиз мустамлакачиларидан халос қилмоқчи бўлади. Неру С.Ч.Боснинг бу хомхаёл режасини ёқламади. 1941 йил январида Бос яширинча Ҳиндистонни тарк этиб, аввал Германияга, сўнг Бирмага бориб, япон кўшинлари билан мулоқотга киришди. Япон ҳарбийлари 1942 йилда Жанубий-Шарқий Осиёдаги бир қатор мамлакатлар, жумладан, Бирма, Таиланд, Вьетнам, Сингапур, Индонезияни босиб олгандилар. Бос шу мамлакатларда яшаётган 50 минг хиндларни тўплаб, “Ҳинд миллий армияси”ни тузди ва инглиз-америка кўшинларига қарши жанг олиб боради. Аммо, муваффақиятсизликка учрайди³⁷. 1945 йилнинг августида Бос япон самолётида Вьетнамнинг Сайгон шаҳридан Токиога учди. Йўлда Тайбей (Тайвань)даги аэропортда тўхтаб ўтган самолёт номаълум сабабларга кўра ҳалокатга учрайди. Оғир ярадор бўлган Бос Япония касалхонасида вафот этади.

Неру 30-йиллардаёқ халқаро майдонда тинчлик, адолат, демократия ва тараққиёт ғоялари учун изчил ва довюрак курашчи сифатида танилди. 1937 йил бошида вилоятларнинг қонун чиқарувчи мажлисларига 1935 йилги Конституцион Акт асосида сайловлар ўтказилди. 11 вилоятнинг 8 тасида Миллий Конгресс ғолиб чиқди³⁸.

1936 йил Ж.Неру қамокдан чиққан пайтда “Мен аминманки, муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли бу социализм, у ҳинд жамиятидаги ишсизликни бартараф этади”, деган³⁹. 1938 йили Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси аъзолари сони 10 баробар кўпайиб, 5 млн кишини ташкил этди.

1939 йил 3 сентябрда Ҳиндистон халқининг розилиги ва ҳоҳиши билан ҳисоблашмаган инглиз ҳукумати томонидан иккинчи жаҳон уруши

³⁷ Лафасов М. Жаҳон тарихи (1918-2008). “Турон-иқбол”, Т, 2010. Б. 143.

³⁸ Горев А., Зимянин В. Неру. (Жизнь замечательных людей), -М., 1980. С.138.

³⁹ Володин А., П.Шаститко. Жизнь и борьба Джавахарлала Неру. П. М. 1990. –С. 34.

гирдобига тортилди. 1941 йил июнда фашистлар Германиясининг собик Иттифоққа хужум қилиши Ҳиндистондаги сиёсий вазиятни ўзгартирди.

Миллий Конгресс Собик Иттифоққа ўз хайрихоҳлигини билдирди. Уруш сўнггида Ҳиндистон билан Англия империализми ўртасида иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар кескин кучайди. Неру ва унинг сафдошлари фашизм ва империалистик урушга қарши чиқдилар. Урушдан сўнг инглиз империализми Ҳиндистонда барпо этган тузум омманинг кураши тазйиқи остида барбод бўлиши аён бўлди. Ўзларини Ҳиндистондан улоқтириб ташланишидан ниҳоятда ташвишга тушган инглиз мустамлакачилари давлатни бошқаришни ҳиндларга топширдилар.

1946 йил бошида армия, флот ва авиация соҳаларида инглизларга қарши оммавий чиқишлар бўлиб ўтди. 1946 йил 18-23 февралда Мумбайдаги ҳарбий денгизчилар кўзғолони инқилобий ҳаракатнинг юқори чўққиси бўлди⁴⁰. Бомбайда ҳам кўзғалон бошланиб, бу кўзғалонга бошқа портлардаги ҳарбий денгизчилар ёрдам берди. Кўзғалон кўтарган денгизчиларга ёрдам бериш мақсадида бутун Бомбей ишчилари ҳам кўтарилиб чиқди. Шаҳарда армия ва полицияга қарши баррикада жанглари бошланиб кетди. Бундан ташқари, талабалар, ўқитувчилар ва банк хизматчилари ҳам иш ташлаш ҳаракатлари билан чиқдилар. Буларнинг таъсирида деҳқонларнинг зодогон ер эгаларига қарши ер учун кураши ҳам кучайиб кетди. Ҳиндистоннинг жануби – Ҳайдаробод ва Траванкордаги деҳқонлар ҳаракати айниқса кучли бўлди. Ана шундай шароитда Англия мустамлакачи маъмурлари орқага чекинишга ва олдиндан Ҳиндистонни икки доминионга - Ҳиндистон ва Покистонга бўлиб юбориб, Ҳиндистон халқининг мустақиллик ҳуқуқини тан олишга мажбур бўлдилар. Буюк Британия бош вазири К. Эттли Ҳиндистондаги вазиятга нисбатан парламентдаги норозиликларни юмшатиш ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳинд ўлкаси миллий-озодлик курашчиларига ён беришга мажбур бўлди. 1947 йил 3 июлда қабул қилинган Ҳиндистонни иккита

⁴⁰ Володин А., П.Шаститко. Жизнь и борьба Джавахарлала Неру. «Пусть не обманет надежда!». П. М. 1990. С. 249.

доминионга бўлиш тўғрисидаги “Маунтбеттен режаси”⁴¹ асосида бир бутун Ҳиндистон икки қисмга бўлинди. Бу бўлиниш Ҳиндистон халқининг иқтисодий ва миллий манфаатларига хилоф равишда, диний белгига қараб амалга оширилди. Натижада аҳолисининг кўпчилиги хиндуизм динида бўлган худудлар Ҳиндистонга, аҳолисининг кўпчилик қисми ислом динида бўлган худудлар эса, Покистонга ўтиб қолди. Аҳолининг миллий таркиби, районларнинг иқтисодий алоқаси ҳам, хатто худудларнинг географик ёндошлиги ҳам бунда инобатга олинмади.

Ҳиндистоннинг бу хилда бўлиниб кетиши Ҳиндистон билан Покистонга анча зарар етказди. Англия ҳукумати миллий ҳаракат раҳбарлари билан музокара бошлаб, 1946 йил баҳорида Ҳиндистонга доминион статусини беришга қарор қилганлигини эълон қилди. 1946 йил августда Ж. Неру бошчилигида Муваққат ҳукумат тузилди.

1947 йил 18 июлида Англия парламенти Ҳиндистон мустақиллиги тўғрисида расмий ҳужжатни қабул қилди. Унда шу йилнинг 15 августидан Британия ҳамдўстлигига кирган Ҳиндистон ва Покистон доминионларини ташкил қилиш кўзда тутилганди. Миллий Конгресс ҳам Буюк Британиянинг икки давлат Ҳинд иттифоқи ва Покистонга ажратиш ҳақидаги таклифини ёқлади. Ҳиндистонга ҳиндларнинг, Покистонга мусулмонларнинг оммавий равишда кўчиб келиши тезлашди, айти вақтда мамлакатда жуда кўп қонли тўқнашувлар содир бўлди.

1947 йил 15 август куни Ҳиндистон ва Покистон расман суверен мустақил давлат бўлди. Аммо, шундан кейин ҳам Покистонга кўчиб ўтмаган 61 миллион мусулмон (аҳолининг 9%и) билан ҳиндлар ўртасида тўқнашувлар тўхтамади. Диний тотувликнинг доимий тарафдори М.Гандининг ўзи ашаддий ҳинд тақводорлари тажовузига учраб, ҳалок

⁴¹ “Маунтбеттен режаси” Ҳиндистоннинг сўнгги вице-короли Маунтбеттен томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда Ҳиндистондан инглиз қўшинларини олиб чиқиб кетиш, ҳукуматни ўлкадаги илғор икки партия: Ҳиндистон Миллий Конгресси ва Мусулмонлар Лигаси бошқарувига топшириш, улар бошқарувида бир-бирига қарама-қарши иккита диминион: Ҳиндистон иттифоқи ва Покистонни тузиш кўзда тутилган эди. Бу ҳақда қаранг: Антонова К. А. и др. История Индии (краткий очерк). – М., 1973. с. 478-481.

бўлди. Шу тариқа Ҳиндистон мустақиллигининг биринчи йилидаёқ, унинг озодлиги учун фаол курашчининг ҳаёти фожиона тугади.

1947 йил 15 августда Ж.Неру Дехлидаги машҳур Лаъл қалъа узра Ҳиндистоннинг уч рангли байроғини тантанали равишда кўтарди. Унга Ҳиндистоннинг бош вазири, ташқи ишлар вазири лавозими топширилди. Шунингдек, у мамлакат режалаштириш ҳайъати ва атом энергияси комиссиясининг раиси, бир неча университетларнинг фахрий ректори эди. 1947 йили Неру жамоаси парламентда 86% ўринларни эгаллашди. Ҳиндистоннинг озод бўлиши бу мамлакатнинг энг сўнгги вице-қироли Маунтбэттен ҳукмронлиги вақтида содир бўлди. Маунтбэттен Англия мустамлака империясининг гуллаган давридаги қироличаси Викториянинг эвараси эди. Айнан шу қиролича 1876 йилда тантанали равишда Ҳиндистоннинг ҳукмдори деб эълон қилинганди. Орадан 70 йил ўтгач, унинг эвараси Ҳиндистонни батамом ҳиндлар ихтиёрига ўтишида иштирок этди.

Истиқлолга эришган мамлакат олдида янги Ҳиндистонни барпо этишдек оғир ва мураккаб вазифа кўндаланг турарди. Буюк мутафаккир Неру мамлакатнинг келажак тараққиёти хусусида ўйлар экан, турли-туман ижтимоий қарашлар, ғоялар ва назарияларни ўрганди. 1948 йил Буюк Британиянинг сўнгги ҳарбийлари Ҳиндистонни тарк этишди.

Натижада, янги Ҳиндистонни барпо этишда Неру ҳинд халқининг менталитети, яъни унинг ўтмиш тарихи, миллий анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи, кўпмиллатлилиги ва турли динларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, ўз номи билан аталган “Неру курси”ни ҳаётга тадбиқ қилди. Неру бош бўлган ҳукумат куч-ғайрат ва катта қатъият билан иқтисодий қолоқлик ва диний низолар натижасида бутун Ҳиндистонни қамраб олган даҳшатли хунрезликни бартараф этди. Мамлакатдаги 500 дан зиёд катта-кичик хонликларни бирлаштирди. Аниқроғи у, Ҳинд иттифоқига 601 та князликлардан 555 тасини бирлаштиришга эришди. 1954 йил Ҳиндистонга француз, 1964 йил португалларнинг қирғоқ бўйи ҳудудлари кўшилди. 1950 йил Ж.Неру ташаббуси билан Ҳиндистон демократик республика, деб эълон

килинди. Давлат парламентар президентлик республикаси бўлиши билан бирга ижро ҳокимияти бош вазирга юклатилган эди. Парламент икки палатали бўлиб, халқ палатаси ва штатлар кенгашидан иборат бўлди.

1950 йил январидан Ҳиндистон Республикасининг конституцияси кучга кирди. 1951-1952 йилларда дастлабки парламент сайловлари бўлиб ўтди. 1956 йил ноябрда 14 та штат ва 6 та иттифоқ ери ташкил этилди, вақт Неру фикрининг ҳақ эканлигини тасдиқлади. Миллати, ирки ва динидан қатъий назар 21 ёшдан сайлов ҳуқуқи мамлакат конституциясида белгилаб қўйилди. Ҳозир, Ҳиндистон дунёдаги энг таракқий этган 10 та давлат сафига ўтди. Сўнгги 50 йил ичида мамлакат саноат ишлаб чиқарилиши ҳажми 10% га ошди. Валюта захираси 20 млрд доллардан ошиб кетди. 20 йилдан буён Ҳиндистон ўзини-ўзи дон билан тўла-тўқис таъминламоқда. Юқори малакали илмий-техника кадрлари сони жиҳатидан Ҳиндистон жаҳонда учинчи ўринни эгаллаб турибди⁴².

Ички сиёсатда Неру ҳинди, сикх, мусулмон барчага тенг муносабат олиб борди. Иқтисод режалаштириш тамойиллари ва бозор иқтисодиётига асосланди. Неру ёш давлатимиз учун табақалараро тўқнашув, кураш жуда эскирган ва бизнинг вақтимизда жуда хавфли омил, - деб халққа мурожаат қилди.

Неру Ҳиндистон ҳукуматининг биринчи раҳбари ва ташқи ишлар вазири сифатида ўз мамлакатининг ташқи сиёсати асосларини яратди ва уларни ҳаётга татбиқ қилди. Уни ҳақиқий равишда Ҳиндистон ташқи сиёсатининг меъмори дейишганди. У характерли, можаро ва низоларга тўлиб-тошган, одамзод тақдири қил устида турган даврда кўпчилик фикрини чулғаб олган халқаро масалаларни ҳал этишда катта жонбозлик кўрсатди. Унинг мустамлакачилик ва неоколониализм (янги мустамлакачилик), ирқчиликка қарши тинимсиз кураши, ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслик ва бетарафлик, ёппасига қуролланишга чек қўйиш, фаол ва ижобий нейтралитет сиёсати мамлакатнинг халқаро обрў ва нуфузини оширди. Ҳам

⁴² Гофуров А. Ҳиндистон. ФарДУ. 2009. -Б. 38.

мутафаккир, ҳам давлат арбоби сифатида Неру империализмга қарши кураш, халқаро тинчликни барпо этиш, миллий-озодлик кучларини мустаҳкамлаш ишига улкан ҳисса қўшди.

Қўшилмаслик сиёсати ва фалсафасини яратган Неру ҳиндлар ҳеч қандай қарам-қарши блокларга қўшилмайдилар ва ҳар қандай ҳарбий иттифокқа қарши чиқадилар, улар қўшилишни истаган яккаю-ягона лагерь тинчлик лагери ҳисобланиб, унда иложи борича кўпроқ мамлакатлар иштирок этиши лозим, деганди⁴³. 1947 йилдаёқ, Ҳиндистон ҳукуматининг раҳбари “яқин орада кучсиз бўлган талайгина мамлакатлар қўшилмаслик сиёсати масаласида Ҳиндистондан ўрнатилган оқшар керак” деганди. Ҳақиқатдан ҳам, ўша вақтда қўшилмаган мамлакат биргина Ҳиндистон ҳисобланган бўлса, ҳозир бу ҳаракатда Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Европанинг 120 га яқин мамлакатлари иштирок этмоқда. Мустақил Ўзбекистон ҳам шу ҳаракатнинг аъзосидир⁴⁴.

Ўзининг маҳсулдор фаолияти, ғайрати ва шижоати эвазига Неру фақат ўз юртида эмас, балки жаҳондаги машҳур лидерлардан бири сифатида тарихда қолди. Неру софдил, хушфезъл, хушсифат, аммо жуда ишчан, талабчан ва довурак инсон эди. У шеърят, адабиёт ва санъатнинг чинакам ихлосманди бўлган. Неру билан учрашган кишиларда у чуқур таассурот қолдирарди. Айниқса, ёш болаларга унинг илтифот ва эътибори ўзгача бўлган. Шу нарса диққатга сазоворки, ҳар йили унинг туғилган кунида ҳинд ўлкасида болалар байрами ўтказилади. Неру табиатида ҳам болаларга хос майинлик ва самимийлик устунлик қиларди. Неруда ҳинд халқининг донолиги, меҳнаткашлиги, оққўнгиллиги мужассамланганди⁴⁵. Неру ҳинд аёлларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатарди, уларнинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашини самимий истарди. Ҳиндистон халқ озодлик ҳаракати бу курашда ўзларини фидо қилишга тайёр бўлган талайгина ватанпарвар аёлларни етиштириб чиқарди. Буларнинг ичида Ж.Нерунинг онаси Сваруп Рани,

⁴³ Гиёсов Т.Ф. Қўшилмаслик ҳаркати – тинчлик ва халқаро ҳавфсизлик омили. – Т., “Ўзбекистон”, 1984. -Б. 6.

⁴⁴ Гофуров А. ўша асар.

⁴⁵ Горев А., Зимянин В. ўша асар.

рафикаси Камола, қизи Индира барча ҳинд хотин-қизларига намуна бўлдилар. Неру ҳинд аёлларининг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши (гендер тенглиги), уларни ҳукумат таркиби ва штатларнинг қонун чиқарувчи органларига киритишни ҳамisha қаттиқ туриб талаб қиларди⁴⁶. XX асарда Ҳиндистонда Маҳатма Гандини истисно қилганда ҳеч ким ҳинд халқининг ҳаётига мазкур “Ҳиндистон бриллианти” (Жавоҳарлаълни маъноси-“қизил гавҳар”) каби таъсир кўрсатмаган. У фақат Ҳиндистонда эмас, балки, жаҳон тарихида катта из қолдирди. Ж.Неру дунё миқёсида обрўга эга бўлган нуфузли сиёсатчи ва давлат арбоби эди. Ўзининг тинчлик ишига садоқати, оммавий қирғин қуролларини йўқотишга қаратилган тиниб-тинчимас фаолияти, мустамлака тузумига барҳам бериш, қўшилмаслик сиёсатини изчиллик билан амалга оширишдаги саъй-ҳаракати жиҳатидан у дунё тақдирини ҳал қилувчи шахслардан бири бўлиб қолганди.

Неру чуқур қомусий билим соҳиби, кенг фалсафий мушоҳада кишиси, мутафаккир ва шоир ҳисобланади. У сиёсат билан шуғулланмаган тақдирда ҳам ўз илмий тадқиқотлари билан диққат ва эътиборга сазовор бўларди. Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида батамом мужассамлаштирган буюк байналмилалчи Неру Европа, Осиё, Африка тарихига бир хилда ёндашди, уларни бир-биридан паст ёки юқори қўймади, кишилиқ тарихини барча инсоният учун баравар ва умумий деб ҳисоблаб, Ғарб билан Шарқни яқинликка даъват этди. Зероки, Неру каби сиймолар бутун инсониятга мансуб бўладилар⁴⁷.

Ҳукумат турли сиёсий партиялар ва гуруҳлар иштирокида муаммоларни ҳал этиш ва айни вақтида 1948-1949 йллarda Ҳиндистон учун жуда муҳим бўлган ҳужжат-Конституцияни ишлаб чиқиш билан шуғилланди. 1949 йил ноябрь ойи охирида Конституция Таъсис мажлис томонидан тасдиқланиб, 1950 йил 26 январда кучга кирди. Бу кун - Ҳиндистон мустақиллиги куни ҳисобланди. У Англия доминионлигидан

⁴⁶ Володин А., П.Шаститко. ўша асар.

⁴⁷ Обидов Б. Жавоҳарлал Неру дунёқарашида инсонпарварлик ғоялари. // Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. –Б. 40.

чиқиб, “суверен демократик республика” деб эълон этилди. Беш йил муддатга сайланадиган президент давлатинг расмий бошлиғи ҳисобланди. Ижроия ҳокимияти президент номидан, бош вазир бошчилик қиладиган Вазирлар кенгаши томонидан амалга оширилади. Қонун чиқарувчи ҳокимият эса, икки палатали парламентда мужассамлашди.

Ҳиндистон Республикаси ваколатлари чекланган штатлардан иборат федерация давлати сифатида тузилди. Марказий ҳокимият ҳам, штатларининг ҳукуматлари ҳам қонун чиқарувчи органлар олдида ҳисоб беради. Ғарб намуналари бўйича тузилган мазкур Конституцияда кенг кўламдаги демократик эркинликлар эълон қилиниб, Ҳиндистоннинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобига олинди ва дини, ирқи, кастага мансублиги, жинси ҳамда туғилган жойига қараб фуқароларни камситиш таъқиқланади, деб кўшиб қўйилди.

1951 йил охири ва 1952 йил бошида Ҳиндистонда Марказий мамлакат ва штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларига дастлабки сайлов ўтказилди. Уларда Ҳиндистон Миллий Конгресси ғалабага эришиб, парламентдаги ўринларнинг 74%ини, қонун чиқарувчи маҳаллий кенгашлардаги ўринларнинг деярли 66% ини эгаллади⁴⁸.

Ўша пайтдан бери, ҲМК то 80-йиллар охирига қадар барча парламент сайловларида (1977 йилги сайловлар бундан мустасно) ғалаба қозонди, у аслида мазкур даврда яқка ҳукумрон партия эди. У кўпчилик аҳолининг ишончини қозониб, буюк давлат тақдири учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олди. ҲМК бу вазифани бажариш учун, биринчидан, таркиби жиҳатидан жуда хилма-хил бўлган жамиятнинг орзу-умидларини ифода қилиши, иккинчидан, Ҳиндистонни замонавий Европача модернизациялашган демократик давлатга айлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегик йўлни ишлаб чиқиб, амалга ошириши лозим эди.

ҲМК кўп жиҳатдан бу йўлни амалга ошира олдики, бу аввало, унинг раҳбари, 17 йил давомида узлуксиз ҳукумат бошлиғи бўлиб турган

⁴⁸ Сарвепалли Гопал. Джавахарлал Неру.1-том, 1989. С.279.

Жавоҳарлаъл Нерунинг хизматидир. Ж.Неру ҳеч қачон Европа капитализми тарафдори бўлмаган, бу тузумни Ҳиндистон жамияти учун ҳатто хавфли, ҳалокатли тузум деб ҳисобларди. Унинг идеали - демократик социализм йўналишига хос модель эди.

Ж.Неру ҳукумати аҳоли таркибининг кўп миллатли эканлиги билан боғлиқ қатор муаммоларга дуч келди. 1950 йил Конституциясида қайд қилинган маъмурий-худудий бўлиниш мустамлака замонларига хос бўлган тизимининг такрори эди. Натижада, қатор кўп сонли миллатларга мансуб кишилар бир неча штатлар ўртасида “бўлиб олинган”, алоҳида мақом олган султонликлар ҳам сақланиб қолган эди. 1953 йилда ҳукумат аҳоли тазйиқи остида штатларни миллат ва тил асосида қайта туза бошлади. Айни вақтда султонликлар тугатилди. Ушбу жараён 1960 йилда яқунланди. 1961 йилда Португалия мустамлакачилари қўлида сақланиб келаётган Гоа, Дуи ва Даман худудлари қўшиб олинганидан кейин, Ҳиндистоннинг маъмурий худудий таркибини шакллантириш ишлари тугалланди. Ҳозирда мамлакат 25 штат ва 7 иттифоқ худудидан иборат⁴⁹.

Лекин, штатларнинг янги чегараларини ўрнатиш билан миллий-этник муаммолар бирозгина камайди, холос. Конституцияга биноан 1965 йилда инглиз тили ўрнига ҳиндий тили давлат тили деб, эълон қилиниши лозим эди. Шу муносабат билан вазият таранглашди. Бу тадбирга жанубий штатлар аҳолиси қаршилик кўрсатди, чунки мамлакат шимолида тарқалган ҳиндий тили уларга бегона тил эди. Шу тариқа намойиш ва тўс-тўполонлар авж олди. Тил масаласига оид узил-кесил қарор қабул қилинмай қолди. Ҳозир Ҳиндистонда ҳиндий ва инглиз тиллари давлат тили ҳисобланди, ваҳоланки, аҳолининг оз қисми инглиз тилини билади.

Буюк гуманист ва ватанпарвар, XX асрнинг энг зиёли кишиларидан бири, инсоният тараққиёти ғояларига тамомила содиқ қолган Ж.Неру 1964 йилнинг 27 майида оламдан ўтди. Марҳумнинг васиятига кўра, ҳокимнинг бир

⁴⁹ Гофуров А. Ҳиндистон. ФарДУ. 2009. -Б. 14.

қисмини самолётдан Ҳиндистон далаларига сочдилар ва у ҳинд тупроғига қўшилиб, Ҳиндистон заминининг ажралмас бўлагига айланиб кетди.

Неру вафотидан сўнг унинг амалга оширишга улгурмаган орзумидларини қизи Индира Ганди, невараси Ражив Гандилар рўёбга чиқарди.

I.2. Жавоҳарлаъл Нерунинг Мустақил Ҳиндистон халқ хўжалигини ривожлантиришдаги фаолияти

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат иқтисодий турмушни йўлга қўйишда катта қийинчиликларга дучор бўлди. Ғалла, пахта, жун етиштиришга ихтисослашган минтақаларнинг Покистон таркибига кирганлиги туфайли аҳвол ёмонлашди. Ҳиндистонда шундоқ ҳам мураккаб бўлган озиқ-овқат муаммоси кескинлашди. Кўпчилик аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетди. Миллий Конгресс ҳукумати мамлакатнинг бўлиниши сабабли вужудга келган иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилди. Озиқ-овқат, саноат хом ашёси масаласи жуда оғир аҳволда эди⁵⁰. Кашмир масаласида Покистон билан бўлган ҳарбий тўқнашув (1947 йил октябрь - 1949 йил 1 январь) Ҳиндистондаги тангликни яна ҳам мураккаблаштирди. Шундай оғир дамда Жавоҳарлаъл Неру амалга оширган ишлар, хусусан мамлакатни бирлаштириш, хўжаликнинг турли соҳаларини янгидан тиклаш, бир томондан урушни бартараф этиш кабилар ўша даврда унинг қандай жасорат кўрсатганлигини тасаввур этишга имкон беради.

Энди миллий ҳукумат олдида мамлакатнинг келажак тараққиёти муаммоси кундаланг турарди. Ғарб мутахассислари Ҳиндистон - аграр мамлакат, унинг учун энг муҳими қишлоқ хўжалигидир, оғир саноатни юксалтириш ножоиз, у саноат маҳсулотларини ғарб мамлакатларидан сотиб олиши мумкин деб, жар солди⁵¹. Неру мамлакатнинг келажаги энг аввал ривожланган саноат барпо этишни тақозо этади, деб таъкидлади. Натижада, Неру таклиф этган йўл, яъни мамлакат иқдисод соҳасини режали асосда юксалтириш, хусусий сектор билан давлат секторини ёнма-ён тараққий эттириш, даставвал Ҳиндистоннинг чет эл капитали қарамлигидан халос этишни маъқул топди. 1950 йилда Неру раислигида мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида беш йилликлар режалари комиссияси тузилди. Халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида мамлакатда

⁵⁰ Хидоятлов Г.А., Гуломов Х.Г. Всемирная история. Новейший период Европа и США после второй мировой войны (1945-1999) Учебное пособие для студентов Р.У.Т., 1999.

⁵¹ Володин А., П.Шаститко. Жизнь и борьба Джавахарлала Неру. «Пусть не обманет надежда!». П. М. 1990. С. 146.

11 та беш йиллик режалари амалга оширилди. 1952-53 йилларда аграр ислохот ҳақидаги қонун асосида барча штатларда аграр ислохотлар ўтказила бошлади. Оғир ва энергетика саноатларининг асосий тармоқлари давлат ихтиёрига олинди. Бириниси айловда 1951-1952 йиллар Миллий Конгресс 44,5% овоз тўплаб, халқ палатасининг 74% ўрнига эга бўлди. Шу пайтда ҳам Ж.Неру иқтисодиётда давлат секторини мустаҳкамлаш тарафдори бўлди.

Инглиз буржуа тарихчилари, империализмнинг мустамлака тизимини оқлашга уриниб, Ҳиндистоннинг Англия томонидан босиб олиншини Ҳиндистон халқи учун жуда катта бахт-саодат деб тасвирлаб келадилар. Улар бу мамлакатда, гўё инглизлар зиммасига тушган «цивилизаторлик вазифаси»ни мактаб кўкларга кўтардилар. Аниқ маълумотлар, мустамлакачилик режими Ҳиндистондаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб келган ғов эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Ҳиндистон ўз мустақиллигини курашиб кўлга киритган пайтгача қоқоқ аграр мамлакат бўлиб қолганлиги ҳам ана шу мустамлакачилик тузумининг хунук оқибатидир.

1955 йилда ҲМК Ж.Неру таклифига биноан, ўз дастурий мақсади сифатида Ҳиндистонда “социализм намунасидаги жамият” куриш ғоясини олға сурди⁵². Ж.Неру тасаввурига кўра, мазкур жамият иқтисодиётида давлат сектори етакчи роль ўйнайдиган, кичик бизнес ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлайдиган, ночор фуқороларга ғамхўрлик қиладиган, шахслар ва гуруҳлар манфаатлари уйғунлашадиган жамият бўлиши лозим эдики, бу - ҳаёлий ғоя эди. Аммо, дастлаб, бу йўл мамлакатнинг босқичма-босқич ривожланиб боришини, замонавий изга туширилишини таъминлаш имконини берди, бунда кескин бурилишлар, ларзалар, ўткир ижтимоий тўқнашувлар бўлмади. Натижада машинасозлик, самолётсозлик, атом энергетикаси, темир йўллар транспорти, қурол-яроғ ишлаб чиқариш, нефть-кўмир ишлаб чиқариш, қора металлургия соҳаларида давлат монополияси ўрнатилди. 17 та стратегик ишлаб чиқариш маҳсулотлари давлат

⁵² Ўша жойда.

назоратидаги объектлар, -деб эълон қилинди. 1948 йилдаёқ Ҳиндистон Заҳира Банки миллийлаштирилди. 1949 йили хусусий банклар устидан давлат назорати ўрнатилди. 1950 йилда Ж.Неру аграр соҳада феодал муносабатларни бекор қилишни жорий қилди. Зодогонларга ижарачи деҳқонларни ердан хайдаб юбориш ман қилинди. Зодогонларнинг ерларга хужайинлик қилиш муддатлари қисқартирилди. Беш йиллик режаларнинг тузилиши ҳам ижобий роль ўйнади, аммо улар мажбурий тусдаги режалар эмасди. Ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати ҳамма учун тушунарли бўлиб, уни олдиндан башорат қилиш мумкин эди. Мазкур режалар 1951 йидан то ҳозирги даврга қадар тузилмоқда.

1957 йилги сайловларда яна Ж.Неру Миллий Конгресс билан ғалаба қозонди. Бу сайловчиларнинг 48%и овозини тўплаш билан ифодаланиб, 1962 йилги сайловларда Неру партияси ўтган сайловдагига нисбатан 3% овоз йўқотди ҳалос.

Жавоҳарлаъл Нерунинг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” асарида инглиз мутсамлакачилари Ҳиндистонни қандай қилиб иқтисодий мустақилликдан маҳрум ва иқтисодий қарамликка маҳкум этганликлари ҳам ёритилган. Бу сиёсий найрангнинг астари ағдариб кўрсатилган, мисол тариқасида эса, тўқимачилик саноати олинган. Дастлаб, Европа мамлакатларида бозори чаққон ҳинд тўқимачилик саноати маҳсулотлари билан олиб-сотарлик қилишдан иш бошлаган “Ост-Индия ширкати” орадан маълум вақт ўтиб, аксинча, бу мамлакатни инглиз тўқимачилик саноати ишлаб чиқарган ўтмас матоҳларни сотадиган улкан бозорга айлантирган. Яъни, мамлакатдаги иқтисодий муносабатларнинг оёғини осмондан келтириб ташлаган⁵³.

Шу боисдан Махатма Ганди ва Жавоҳарлаъл Неру бошчилигидаги ҳинд миллий озодлик ҳаракати ишни айна муносабатни ўнглаб оёққа қўйишдан бошлаган эдилар. Улар тўқимачилик саноати маҳсулотларини четдан қабул қилишга узил-кесил чек қўйиб, ўз-ўзини таъминлаш ва аксинча,

⁵³ Jawaharlal Nehru. Glimpses of world history. – London, 1949. P. 112.

четга сотишга ўтганлар. Натижа бугунги кунда ойдек равшан: мамлакат газлама ва кийим-кечак билан тез орада ўзини таъминлабгина қолмай, жаҳон бозоридаги аввалги мавқеини ҳам қайта тиклаб олди.

Ҳиндистон мамлакати аграр-индустриал бўлганлиги сабабли, ғаллачилик, пахтачилик, чой, жут, шоли, ерёнғоқ, сабзавот, полизчилик, боғдорчилик, узум ва мевалар, цитрус маҳсулотлари етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳиндистон сўнги йилларда ўзида ишлаб чиқарилган ғалла билан ўз аҳолисини таъминлаганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт ва импорт операцияларини амалга ошираётганлиги қайд қилинади⁵⁴.

Ҳиндистондаги иқлимнинг хилма-хиллиги сабабли, ерларни суғориш, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида йирик сув омборлари, гидротехника иншоотлари, каналлар, суғориш шохобчалари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости зах сувларини пасайтириш муаммоларига жуда катта эътибор бериб, улар устидаги илмий-тадқиқот ишлари айнан Ж.Неру даврида бошланганди. Шулар билан бир қаторда, умумий тарзда ҳинд аҳолисининг таркиби, табиий ўсиши, тарихий жараёнида вужудга келган каста (табақачилик)ликни бартараф этиш, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан тенгликнинг конституциявий кафолатланганлиги борасида муайян муаммоларнинг борлиги, уни ҳал этишда давлат бир қанча чора-тадбирларни амалга оширди. Айнан бу чора-тадбирларни амалга ошириш вақти етганлигини ҳам расман Жавоҳарлаъл Неру эълон қилди.

Ж.Неру ҳукуматининг иқтисодиёт соҳасидаги асосий куч-ғайрати, аввалло, саноатда давлат секторини жадал ривожлантиришга қаратилди⁵⁵. Бунинг учун давлат томонидан металлургия, машинасозлик, электр-энергетика, кўмир ва нефть саноати корхоналари қурилди. Қатор тармоқларда хусусий сармоядан фойдаланишга йўл қўйилмади. Аммо, ўрта ва майда бизнес қўллаб-қувватланди. Заминдорларнинг ерлари деҳқонларга ва қуйи касталарга мансуб ижарадорларга сотилди, уларнинг тўртдан уч

⁵⁴ Гофуров А. Ҳиндистон. ФарДУ. 2009. -Б. 128.

⁵⁵ Brecher M. Nehru: a Political Biography. London. 1959.

қисми майда мулкдорларга айланди, кооперативлар тузиш рағбатлантирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпая борди.

Жамиятнинг касталарга бўлинишига барҳам бериш ёш демократия учун жиддий синов бўлди. Кўпгина касталар янгиланиб бораётган жамиятда ўз ўрнини топа олмади, сабаби унда юқори касталар устун мавқени эгаллаган эди. Хорижонлар - қишлоқ аҳолисининг энг кўп сонли гуруҳлари учун барча “пок” касблар эшиги ёпиб қўйилганди. Уларнинг давлат ёрдамисиз ўз аҳолини бирон-бир даражада ўзгартиришига қурби етмасди. Конституцияда хорижонлар ҳуқуқини таъминлаш кафолати белгиланган эди. Унга кўра, парламентда, штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларида, давлат хизматларида, ўқув юртлари ва давлат корхоналарида хорижонларга жойлар захира тарзида ажратиб қўйилди. Мазкур имтиёзлар фақат ҳиндларга тааллуқли бўлиб, бошқа (ислом, буддавийлик, христиан) динларига ўтган хорижонларга нисбатан қўлланилмасди.

Шунга қарамасдан, бу масалада Ҳиндистон Миллий Конгресси сиёсати асрлар давомидаги барқарор каста тизимида ўзгариш ясади, унинг яхлитлигини бузди. Ҳиндистонликларнинг амалдаги тенг ҳуқуқлигига эришиш борасида дастлабки қадам қўйилди, эскича қарашларга таъсир этувчи фикрлар ривожланди⁵⁶. Ривожланган мамлакатлар ичида Ҳиндистон иқтисодиётида аграр секторнинг XX аср ўрталари ва ундан кейин бўлган давр мобайнида ўзгаришлар илмий тадқиқ қилиниб, унинг тараққиёт хусусиятлари, аграр иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллари Ҳиндистоннинг ўзида ҳар томонлама таҳлил қилинган бўлиб, улардан самарали фоидаланиш муаммолари ва ҳал этиш йўллари белгилаб олинган. Бу Жавоҳарлаъл Неру бошлиқ ҳукуматнинг мамлакат хўжалигини ривожлантириш учун узоқни ўйлаб амалга оширган ишлари натижасидир.

Аммо, Ҳиндистон қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ҳолати ва унинг барқарор ривожланишдаги муаммоларига тўғри баҳо бериш ва ёндашиш учун, аввало, аграр сектор тараққиётини, яъни ривожланиши тўғрисидаги

⁵⁶ Edwardes M. Nehru. A political biography. London. 1971. P. 97.

замонавий аграр назарияларни аниқ тасаввур этиш лозим. Бундай ўзига хос ёндашув ва баҳолаш, айниқса, ҳозирги пайтда хорижий мамлакатлар иқтисодиётини ўрганишда қиёслаш усул хосдир. Бу масала ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бунинг асосий сабаблари⁵⁷:

-хорижий мамлакатлар, хусусан, Ҳиндистон иқтисодиётининг аграр соҳаси илмий изланишларга бағишланган, унинг жаҳон мамлакатлари ичида кашшоқлик даражаси кўрсаткичларининг юқорилиги билан ажратилган ҳолда, ижобий ва салбий томонлари ҳам ёритилган ҳолда комплекс таҳлили етарли даражада эмас;

-Ҳиндистоннинг аграр сектори ривожланиши бозор ва режали иқтисодиётга асосланган мамлакатлар илмий доирасида турлича талқин этилади. Шу нуқтаи назарда келиб чиқиб, Ҳиндистон иқтисодиётида аграр сектор тараққиётини ўрганишдаги дастлабки услубий ёндашув, бу-аграр ривожланишнинг ҳозирги замон аграр назариясига асосланиб, ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси, миллий даромад, ҳосилдорлик, экспорт-импорт, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ҳиссаси ва бошқалар объектив равишда ҳар томонлама ҳамда комплекс ўрганишни ва умумлаштиришни тақозо этади.

Ҳиндистон ахборот марказлари маълумотларидан маълумки, Ҳиндистон аҳолисининг 71 фоизи (тахминан 844,5 мингга яқин киши) - қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Демак, Ҳиндистонда ҳам ҳозирги жаҳондаги етакчи мамлакатлардага каби иқтисодий муаммолардан муҳими ишсизлик муаммосидир. Жаҳон экспертларининг таҳлилига кўра, ишсизликнинг энг юқори даражаси ҳам айнан Ҳиндистонда бўлиб, унинг ҳал этиш муаммолари давлатнинг устувор сиёсатига айланган:

-Ҳиндистонда деҳқончиликка етарли ер участкалари етишмаслиги, ерлар асосан йирик заминдор (мулкдор)лар қўлида бўлиб, оддий деҳқонлар ер участкаларини ижарага олиб фойдаланишади.

⁵⁷ Гофуров А. Ҳиндистон. ФарДУ. 2009. -Б. 81.

-Ҳиндистоннинг қишлоқ жойларда саноат корхоналари, қайта ишлаш тармоқлари ва янги иш жойларини ташкил этиш фақат XX асрнинг 80-йилларидан бошланган;

-XX асрнинг 80-йилларигача таълим даражасининг пастлиги ва қишлоқ жойларида мактабларнинг етишмаслиги, унинг оқибатида саводсиз аҳолининг ишсиз қолганлиги, 90-йиллардан мамлакатда таълим соҳасидаги дастурларни юқори даражада амалга ошириш натижасида Ҳиндистон XXI асрда илмий мутахассисларнинг сони жиҳатидан дунёда 3 ўринда туриши;

-хинд оилаларида табиий ўсиш (туғулиш) сонининг юқорилиги, ҳукумат томонидан бунинг олдини олиш мақсадида “Оилани режалаштириш” сиёсий дастури ишлаб чиқилганлигига қарамай аҳолининг ўсиш суръатлари пасаймаётганлиги.

Ҳиндистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ўрганиш ва умумлаштириш асосида, унинг олиб борган иқтисодий ислохотларини кўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич, 1947-1955 йиллар бўлиб, бу даврда миллий иқтисодиёт барпо этилди, янги хўжалик механизмлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида бошқариш механизмларининг асослари шаклланди, иқтисодий тангликка ва инқирозга чек қўйилди, ҳукумат томонидан миллий иқтисодиёт тармоқларини қайта тиклаш воситаси назоратга олинди. Мамлакатда кенг миқёсда режалаштиришга ўтиш, қишлоқ хўжалигини талаб даражасида тиклаш ва саноатлаштиришни жадаллаштириш мақсадида давлат секторига катта эътибор берилди. Албатта, ушбу босқичда Ж.Неру ислохотлари ўзининг самарсини берди. Бундан ташқари, мамлакат хўжалигининг шундай асосда қурилиши унинг узок йиллик барқарор тараққий этишига хизмат қилаётир, -дейиш ўринли бўлади. Дастлабки, 5 йиллик режа йили умумий ҳолатни ўзгартирмади, аксинча, бойлар бойлашиб, камбағаллар камбағаллашиб борди. Шу ўринда айтиш лозимки, Миллий Конгресс ҳеч қочон партия дастури бўлмаган, унинг сёзлардаги резолюцияси бўлган халос.

Ҳиндистон иқтисодиёти тараққиётида узок муддатли режалаштиришдан (“беш йиллик”) самарали фойдаланилди. Узок режалаштиришнинг индиктив усули қўлланилди, яъни режалар давлат секторидаги корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланиб, хусусий секторга ўзини-ўзи бошқариш усули қўлланилди. Ҳиндистондаги бу режалаштириш сиёсати собиқ Иттифоқ давридаги режалаштиришдан (императив) тубдан фарқланади, чунки собиқ Иттифоқда режалаштириш барча соҳалардаги корхоналар учун мажбурий (қонуний) амалга оширилган. Шу билан бирга Ҳиндистон ҳукумати давлат бюджетидан маълум соҳаларга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилмай турган бўлса ва ўзини оқламаса, кейинги молиявий йилдан бу маблағларни бошқа соҳага ўтказиб юбориш чораларини қўллаган.

Иккинчи босқич 1955-1964 йиллар ўрталаригача мамлакат иқтисодиётини жадал суръатларда ривожлантириш ва индустриялаштириш даври бўлиб, бу босқичда мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти ва муносабатларини қайта куриш чоралари дастури ишлаб чиқилди ва чет эл капиталининг миллий бозордаги эркинлиги чегараланди. Бу даврда эришилган ютуқларни ҳам бевосита Жавоҳарлаъл Неру фаолияти ва ташаббуси билан боғлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Айни шу давр мамлакат хўжалигининг феодал тартибдаги эски усуллардан тўлиқ воз кечилиб, янги замонавий босқич томон қадам ташлашида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Учинчи босқич 1964-1977 йилларгача бўлган даврни ташкил этади. Бу босқичда режалаштириш асосида иқтисодиёт соҳасидаги асосий куч-ғайрат, аввало, саноатда давлат секторини жадал тараққий эттириш учун давлат бюджети ҳисобидан металлургия, машинасозлик, электро-энергия, кўмир, нефть ва кимёвий саноат корхоналари қурилди, кўп тармоқларда хусусий тадбиркорлар сармояларидан самарали фойдаланилди. Кичик ва ўрта бизнес қўллаб-қувватланилди. Ер эгалари ерларининг қисман деҳқонлар ва қуйи касталарга мансуб ижарадорларга сотилди, уларнинг тўртдан бир қисми

майда мулкдорларга айланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Тўртинчи босқич 1977-1980 йиллар даврида ҳокимиятга келган “Жаната парти” раҳбари М.Десаи даврида иқтисодиётда ижтимоий-иқтисодий турғунлик ва инқироз вужудга келди.

Бешинчи босқич 1980-1990 йиллар даври бўлиб, ҳокимиятга келган Ииндира Ганди ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янги тиклаш бўйича қатор чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Ҳукумат 20 дан ортиқ дастурни эълон қилди. Унда, жумладан, инвестиция қўйиш тартибини эркинлаштирди, қуйи касталар “хорижонлар”нинг фуқаролик ҳуқуқларини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш кўзда тутилди, хусусан, йирик заминдорлардан тортиб олинган ерларнинг бир қисми “хорижонларга” бўлиб берилди. Аммо, мамлакатда ер ислохотлари охиригача етказилмади, электр энергияси қуввати ва сув етишмовчилиги, ишсизликни камайтириш чора-тадбирлари дастурларини амалга ошириш учун имконият топилмади. Ҳукумат бошлиғи И. Ганди ўлдирилгандан кейин янги ҳокимиятга келган Р.Ганди бу ишларни давом эттиришга киришди.

Бугунги кунда Ҳиндистон гуруч, буғдой, чой, сут, шакар етиштиришда, ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлашда, мотоцикл, тамаки маҳсулотлари, кинофильмлар ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринни, аҳоли сони, олимлар сони, цемент ишлаб чиқариш, текстиль саноати машиналарини ишлаб чиқариш, буғдой, гуруч, мева, сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда иккинчи ўринда турибди. Ҳиндистон АҚШдан кейин дунёда энг кўп дори-дармон ишлаб чиқарадиган заводларга эга. У автомобил экспорт қиладиган энг йирик давлатлардан бири ҳисобланади. Ҳиндистон компаниялари дунёнинг энг йирик сармоя киргизувчи компаниялари қаторида туради. АҚШдаги энг кўп чет эллик талабаларни ҳиндистонликлар ташкил қилади. Ҳиндистон дунёдаги энг узун темир йўлига эга. У дунёдаги учинчи энг йирик сармоя базасига эга. Ҳиндистон олий билимгоҳларини ҳар йили 3 миллионга яқин

мутахассислар битириб чиқади. Шулардан ярим миллиони муҳандис ва ахборот технологиялари мутахассисларидир. Ҳиндистон АҚШ ва Япония каторида суперкомпьютерни ихтиро қилган. Ҳиндистонлик ахборот технологиялари мутахассислари 175 давлатда ишлайдилар.

Айни пайтда бу мамлакатда ҳали ўз ечимини топмаган мураккаб муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, аҳолининг бир қисми ҳамон кашшоқ, ишсизлик, уй-жой танқислиги, оилада туғилишни режалаштириш, диний жамоалар ўртасидаги келишмовчиликлар каби муаммоларни ҳал этиш мамлакат олдида кўндаланг бўлиб турибди.

Иқтисодиётнинг аграр соҳасини ривожлантириш моделлари бўйича жаҳон тажрибаси бой ва хилма-хил бўлиб, улар мамлакатдаги тупроқ ва иқлимий шароит, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, анъаналар, миллий хўжаликнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви даражасига, улардаги иқтисодий муносабатлар характери, хусусий ва давлат секторлари ўртасидаги нисбат (мувозанат) ҳамда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш усуллари бўйича бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга уларни бирлаштириб турувчи жиҳатлардан энг асосий ва муҳими, бу ҳар қандай тараққиёт модели ўз олдига пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини ошириш, кишиларнинг яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилашни, иш билан бандлик даражасини таъминлашни мақсад қилиб кўяди.

II. БОБ ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ ҲИНДИСТОННИНГ ТАНИҚЛИ ОЛИМИ

II.1. Жавоҳарлаъл Неру гуманитар фанлар соҳасининг таниқли намоёндаси

Жавоҳарлаъл Неру Ҳиндистоннинг йирик сиёсий арбоби бўлиш билан бир каторда таниқли олим ҳам эди. У ҳақиқатан чуқур қомусий билим соҳиби, кенг фалсафий мушоҳада кишиси, мутафаккир ва шоир ҳисобланган. Неру сиёсат билан шуғулланмаган тақдирда ҳам ўз илмий тадқиқотлари билан диққат ва эътиборга сазовор бўларди. Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида батамом мужассамлаштирган буюк байналмилалчи Ж.Неру Европа, Осиё, Африка тарихига бир хилда ёндашди, уларни бир-биридан паст ёки юқори қўймади, кишилиқ тарихини барча инсоният учун баравар ва умумий деб ҳисоблаб, Ғарб билан Шарқни яқинликка даъват этди. Шунинг учун ҳам, Неру каби сиймолар бутун инсониятга мансуб бўладилар⁵⁸.

Ж.Неру дунёқарашига кўра, миллий ислохатлар мақомида туриб, бозор муносабатларининг янгича йўлига ўтишга ҳайрихоҳлик билан қаради. Умуман, Ж.Неру жаҳон халқлари тарихи, фалсафа, иқтисод каби ижтимоий фанлар соҳаларининг чуқур билимдони эди. Унинг сайланма асарларининг ўзи 9 жилддан иборат⁵⁹.

Ж.Нерунинг “Таржимаи холим”, “Ҳиндистоннинг кашф этилиши”, “Жаҳон тарихига назар”, “Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати” каби йирик асарлари турли тилларда чоп этилган. Неру умумий тарих ҳақида сўз юритаркан, Осиё халқлари ўтмишига алоҳида тўхталади. Жумладан, у “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида Ўрта Осиё халқлари ўтмиши, машҳур бобокалонларимиз Бобур ва Акбар тўғрисида талайгина маълумотларни келтирган⁶⁰. Неру Бобурга баҳо бериб, шундай сўзларни битган: “Бобур дилбар шахс, уйғониш даврига хос ҳукмдор, довюррак, серғайрат ва эпчил инсон, у ҳаётдан завқланиш ва ҳузур

⁵⁸ Обидов Б. Жавоҳарлал Неру дунёқарашига инсонпарварлик ғоялари. // Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. 40-43 б.

⁵⁹ Джавахарлал Неру. Автобиография.(перевод. В.В.Исаакович, Д.Э.Кунина, В.Н.Павлов)- М., «Иностранной литературы», 1955. С.6.

⁶⁰ Джавахарлал Неру. Открытие Индии. –М.-Л., «Иностранной литературы», 1955. С.650.

килишни яхши кўрарди”. Неру ўзининг “Жаҳон тарихига қараш” асарида қадимги даврдан то XX асрнинг 30 йилларигача бўлган инсоният ўтмишини қисқача баён қилади. Бу нодир китобда ҳам муаллиф бобокалонимиз З.М.Бобур ҳақида ўзининг илиқ сўзларини келтиради.

У “Жасоратли баҳодир, адабиёт ва санъатнинг эҳтиросли ишқбози” эканлигини айтади Неру. “Бобур Ҳиндистонга келиши билан у ерда янги давр ва салтанат бошланди, мамлакат қудрати ва шухрати ошиб, бобурийлар донғи бутун Осиё ва Европа бўйлаб тарқалди⁶¹”, деб ёзади. Муаллиф Бобурнинг ҳинд халқига бўлган муносабати ҳақида гапириб, уни “юксак маданиятли ва ёқимли инсон” деб таърифлайди, диний фанатизмдан ҳоли ҳукмдор бўлганлиги ва ҳиндистонликларнинг миллий урф-одатлари, расм-русумларини барбод қилмаганлигини алоҳида таъкидлайди. Бобур довжорак шахс бўлганлигини эслатиб, Неру унинг ҳам жанг майдонида, ҳам шеърият майдонида баравар жавлон ургани ҳақида ҳайрат билан ёзади. Китобда Бобурнинг моҳир лашкарбоши, қобилиятли саркарда эканлиги, зўр ғайрат ва шижоат туфайли Шимолий Ҳиндистонни қўлга киритгани ҳам муфассал кўрсатилган. Бобур Ҳиндистонга келиши арафасида бу мамлакат бир қанча кичик давлатларга парчаланиб кетган бўлса ҳам, уни ягона, яхлит ва бўлинмас деб ҳисоблаганлигини Неру алоҳида таъкидлайди. Неру софдил, хушфеъл, жуда ишчан, иродали, талабчан инсон бўлган. У шеърият, адабиёт ва санъатнинг чинакам ихлосманди бўлган. Неру билан учрашган кишиларда бу хислатлар катта таассурот қолдирган.

Умуман, бу инсонда ҳинд халқининг донолиги, меҳнатқашлиги, оққўнгиллиги мужассамланганди. Буюк инсонпарвар олим, кишилик тараққиёти ғояларига содиқ қолган Жавоҳарлаъл Неру оламдан ўтганда, унинг ёзув столи устида америкалик машҳур шоир Роберт Фростнинг⁶² Неру ёқтирган қуйидаги сатрлари топилган:

⁶¹ Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю. –М., «Прогресс», 1975. С. 182.

⁶² Володин А., П.Шаститко. Жизнь и борьба Джавахарлала Неру. «Пусть не обманет надежда!». П. М. 1990. С. 292.

Йўл узок, яна қоронғу чангалзор,
Лек, мангу уйқуга кетгумча,
Ундан албатта ўтмоғим даркор.

XX асрнинг буюк сиёсий арбобларидан бўлган Жавоҳарлаъл Неру мустақил Ҳиндистон давлатининг асосчиларидан бири эди. Жавоҳарлаъл Нерунинг номи ўз ватандошларининг муҳаббати ва ҳурматини қозонган ҳамда бутун тараққийпарвар инсониятнинг эҳтиромига сазовор бўлган ҳинд халқининг буюк йўлбошчиси сифатида тарихга кирди. Унинг фаолияти миллий мустақиллик учун олиб борилган ҳал қилувчи курашлар, ҳинд суверен давлатининг вужудга келиши ва ривождаги мураккаб давр, яъни Ҳиндистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг пойдевори қўйилаётган вақт билан чамбарчас боғланган.

Нерунинг амалий фаолияти ва унинг Ҳиндистон маънавий тараққиётига қўшган ҳиссаси билан боғлиқ барча масалалар комплексидан фақат биринигина, яъни ижтимоий воқеликларга баҳо беришда унга асосий мезон сифатида хизмат қилган инсонпарварлик томони ҳақида ҳам айтиш лозим. Жавоҳарлаъл Неруни биз буюк инсонпарвар (фалсафий ибора билан гуманист) деб аташимиз лозим⁶³. Унинг асарлари ва мақолаларида инсоннинг ўзига хос концепцияси, яъни унинг дунёдаги ўрни, роли ва вазифаси акс этган. У ерда биз озодлик ва зарурат, шахснинг масъулияти ва уни такомиллаштириш воситалари, юқори гуманистик ғояларни амалга оширишга олиб борадиган йўллар ҳақидаги фикрларни кўрамиз. Мазкур масалалар унинг миллий озодлик инқилобининг мақсад ва вазифалари билан узвий боғлиқ ҳолда ҳал қилинган.

Махатма Ганди ва Жавоҳарлаъл Нерудаги қатъийлик миллий-озодлик ҳаракатини демократиялашувига муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Оммавий халқ ҳаракатининг кучли тўлқини колониал зулмни янчиб ташлади ва миллий-озодлик инқилоби янги босқичга кирди. Ж.Неру каби арбоб ва мутафаккир учун инсонпарварлик тамойилларига мурожаат этиш бутунлай қонуний ҳодиса эди. Ушбу тамойиллар тараққийпарвар ҳинд ижтимоий фикрига хос бўлиб, улар

⁶³ Обидов Б. Жавоҳарлаъл Неру дунёқарашида инсонпарварлик ғоялари. // Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. –Б. 41.

табий равишда ўрта асрдаги жоҳиллик ва мустамлакачилик зулмига қарши кураш, миллий онгнинг уйғониши, турли ижтимоий қатламларнинг фаоллашуви, Ҳиндистоннинг кейинги тараққиётига олиб боровчи йўлларни ахтариш шароитида шаклланди. Инсон масаласини умумий тарзда муҳокама қилар экан, Неру гуманистик позицияга оғишмай амал қилди, унинг ижодий кучи ва юксак идеалларига юқори баҳо берди.

У ўзининг “Жаҳон тарихига бир назар” китобида шундай деб ёзган эди: “Инсон руҳи нақадар ажойиб! Ўзининг ожиз томонлари кўплигига қарамасдан, инсон асрлар давомида ўз ҳаёти ва ўзи учун қимматли бўлган барча нарсалар: юксак ғоялар учун, ҳақиқат учун, эътиқод учун, ватан ва номус учун доимо қурбонлар бериб келди. Ушбу юксак ғоя ўзгариб туриши мумкин, лекин ундаги ўз-ўзини қурбон қилишга бўлган салоҳият ўзгармайди, ана шунинг учун ҳам кўп жиҳатдан инсонни кечириб бериш мумкин ва унга бўлган ишончни йўқотмаслик керак⁶⁴”.

Ана шу айтилган сўзларда нафақат инсонга нисбатан қойил қолиш ҳисси, балки унга хос бўлган ислохотчилик фаолияти, она юртга бўлган муҳаббатни ҳам қамраб олувчи олий туйғулар ҳақидаги фикр таъкидланади. Буларнинг ҳаммаси озодлик кураши жараёнида шаклланган фидокорлик ва ватанга хизмат қилиш ҳар бир ҳиндистонликнинг ҳақиқий вазифаси сифатида қабул қилинган асосий вазифалар билан боғлаш лозим.

Яна киши диққатини тортадиган нарса шуки, шахснинг табий бурчи сифатида халққа хизмат қилиш ҳақидаги фикрнинг ўзи Нерунинг қарашларида кенг умумдемократик мазмунга эга эди. Ҳаётининг турли даврларида билдирилган ушбу фикр мустақиллик йилларида қуйидагича янграган эди: “360 миллион кишига - озчилик учун эмас, гуруҳлар учун эмас, балки барча учун ишлаш... сиёсатимизнинг мазмунини ташкил этади, деб ҳисоблайман⁶⁵”.

Фаолияти ҳар бир индивидуумнинг бахт-саодати учун йўналтирилиши керак бўлган инсонга берган ўз таърифида Неру шахснинг маънавий

⁶⁴ Jawaharlal Nehru. Glimpses of world history. – London, 1949. P. 176.

⁶⁵ Обидов Б. Ўша жойда.

жавобгарлиги ғоясидан келиб чиқади. У ёки, бу тарихий арбобларга таъриф-тавсиф берар экан, Неру юқоридаги мезонларга амал қилади. Тарихда омманинг ролини, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабат диалектикасини тушуниб етиш, унинг шахс ҳақидаги концепциясининг диққатга сазовор томони эди. Неру ҳар бир алоҳида инсоннинг тақдири мамлакат ва халқ тақдири билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблар эди. Неру шахснинг миқёси унинг халқ, оммаси билан яқинлигига боғлиқ бўлиб, омманинг умид ва армонларини тушуниб етган ҳамда ифодалай олган йўлбошчигина қандайдир аҳамият касб этиши мумкин, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, М.К.Ганди ана шундай шахслардан эди... ва унинг буюклиги шу билан белгиланади. Неру ўз шахсиятига ҳам ана шу позициядан туриб ёндашарди.

Юзага келган шароит уни кўплаб бошқа инсонлар қаторида мамлакатда бир неча ўн йиллар давомида юз берган драматик воқеаларда иштирок этишга даъват эгалигини Неру кўп марта таъкидлаб ўтган. Бунда у ўзининг миллий-озодлик ҳаракатидаги иштироки ва мустақил республиканинг бош вазири лавозимида олиб борган фаолиятини назарда тутган. Шунга ўхшаш барча фикрларни унинг қуйидаги сўзлари билан асослаш мумкин: “Халқ асосий иштирокчи эди, унинг орқасида эса, буюк тарихий кучлар туриб уни олдинга юришга туртки берган... Агар ушбу тарихий шароит ҳамда сиёсий ва ижтимоий кучлар бўлмаганда, ҳеч қандай доҳийлар ёки агитаторлар халқни ҳаракат қилишга мажбур эта олмас эдилар”⁶⁶.

Шубҳасиз, халқ оммаси ва шахснинг тарихда ўйнаган ролини тушуниб етишда Нерунинг объектив тарихий қонуниятларни тан олганлиги асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонуниятларга таянган ҳолда у халқнинг ижтимоий ҳаётини тубдан ўзгартириш зарурлигини асослаб беради.

Мамлакатни қайта тиклаш учун олиб борилган кураш жараёнида Неруда бир нарсага ишонч ҳосил бўлди, яъни ҳар қандай синфий ва миллий

⁶⁶ Неру Дж. Автобиография. -М, 1958. -С. 304.

зулм, ижтимоий анохронизмлар (масалан, кастачилик системаси), ижтимоий тенгсизлик, диний фанатизм, ирқий устунликни тарғиб этиш ҳар бир шахс ва инсониятнинг ҳар томонлама ривожланиши учун жиддий тўсиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Неру ўзининг бутун фаолияти даврида ҳинд жамиятидаги шундай иллатлар билан курашиб келди.

Неру гуманизмнинг танқидий йуналиши унинг мустамлакачиликка нисбатан муросасизлигида яққол намоён бўлади. У Ҳиндистонда инглиз ҳукмронлиги хусусиятини чуқур таҳлил қилди ва унинг мамлакат учун ҳалокатли оқибатларини ўта синчковлик билан тўла очиб берди. Ҳиндистон сиёсий мустақилликка эришгандан кейин ҳам, Неру мустамлакачиликка қарши аёвсиз курашчи бўлиб қолди.

Мустамлакачиликка қарши кураш жараёнида шаклланган Нерунинг гуманистик концепциясидаги кўпгана ижтимоий-танқидий элементлар ривожини мустақиллик қўлга киритилгандан кейин ҳам давом этди. Неру XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб умрининг охиригача феодализм ва колониализм қуроллари ҳисобланган коммунализм ва диний шовинизмни кескин қоралаб келди. Ана шу унсурларга қарши кураш Нерунинг сиёсий фаолиятидаги энг муҳим куч эди. 1929 йилда у шундай ёзган эди: “Мен коммунализмни, унинг қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, ёмон кўраман⁶⁷”, 1954 йилда у ўз нутқларидан бирида яна қайтариб: “Менга келсак, мен ҳар бир сайловда ютқазишга тайёрман, лекин коммунализм ва кастачиликка омонлик бермайман”, деб таъкидлаган⁶⁸.

Ж.Неру фаол равишда ижтимоий тенгсизликка ҳам қарши чиққан. 1929 йилда у шундай деган эди: “Мен қирол ва князларга ишонувчи ёки янги қироллар - индустрия қиролларини келтириб чиқарувчи тузумга ишонувчиларга қўшилмайман... чунки уларнинг бошқарув усуллари эски феодал аристократияси усуллари каби талон-тарож қилишдан иборат⁶⁹. XX асрнинг 50- йилларида ҳам худди шунга ўхшаш фикр билдирган: “Мен иқтисодий ҳокимиятни

⁶⁷ Nehru J. India's Freedom. I, 1962. P. 10.

⁶⁸ Neru's Speeches, 1953. 1957. New Delhi, 1957, P. 455.

⁶⁹ Nehru J. India's Freedom. I., 1962. -P. 14.

концентрациялаш тарафдори эмасман. Мен хусусий секторга қарши эмасман, лекин монополистик тенденцияларга қаршиман⁷⁰.”

Нерунинг дунёқарашида иқтисодий ривожланиш ғояси асосий ўринлардан бирини эгаллайди. У шу ғояни у катъийлик билан илгари сурди. Чунки, ижтимоий тараққиётга эришиш ва жамиятдаги барча демократик қатламларнинг янги Ҳиндистонни барпо этишда мустақил равишда иштирок этишини таъминлашда бу ғоя муҳим аҳамият касб этишига ишонар эди.

Халқлар орасида тинчлик ва дўстликни ҳимоя қилишда ҳам, Неру самарали фаолият олиб борди. Унинг дунёқарашидаги инсонпарварлик руҳи ана шу ишда унга куч бағишлади. Ушбу ғоянинг мамлакати учун тинчлик, янгиланиш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун ниҳоятда зарур шарт ҳисобланишини у, бир неча бор таъкидлаб ўтган: “Агар бизнинг машаққатларга тўла тинчлигимиз устига уруш ёпирилиб келса, бизнинг янги Ҳиндистон тўғрисидаги орзу-умидларимиз пучга чиқади⁷¹.”

Шу билан бирга, умумий тинчликни у гуманистик ғояларни ҳаётга татбиқ этишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири деб уйлар эди: “бизнинг вазифамиз тинчликни ёки аслини олганда, бутун цивилизациямизни асраб қолишдан иборат”. У доим милитаризм ва босқинчилик урушлар ғоясига қарши турди, чунки улар халқлар ва давлатларнинг бунёдкорлик фаолиятларига тўсқинлик қилади, моддий бойликларни йўқ қилади, одамларни руҳан йўқ қилади, уларнинг маънавий бузилишига олиб келади. “Уруш пайтида, - деб ёзади у, - цивилизациянинг ривожланиш жараёни тўхтайтиди ва инсон онги аллақандай варварлик даражасига тушиб қолади⁷².”

Одатда ўз қадрини билмаган инсон ўзининг ота-онаси, оиласи, фарзандлари, халқи, ватанини ҳам муносиб тарзда қадрига етмайди. Аксинча, ўзининг инсоний қадрини чуқур англаган одамгина худди ўзидек, бошқа бир одамга қарам, тобе, боқиманда бўлмайди. Буни ўзи учун иснод, инсоний шаънининг топталиши деб билади. Худди шундай, ўз қадрини билган халқ

⁷⁰ Nehru J. India's Freedom. I., 1962. -P. 35.

⁷¹ Неру Дж. Внешняя политика Индии. Избранные речи и выступления. -М., 1965. -С.71.

⁷² Неру Дж. Ўша асар. 117.

хам ўзидек, бошқа бир халққа қарам бўлмайди. Бошқа бир халқ зўравонлик билан ўзига қарам қилиб олган тақдирда ҳам, бундай ўз шаънига номуносиб ҳолатдан халос бўлишнинг йўллари қидиради. Ҳинд халқининг йўлбошчиси Махатма Ганди ўз халқини инглиз мустамлакачилиги асоратларидан халос этишда қўллаган усул – “зўравонсизлик кураш – тинч йўл билан кураш”ни олиб, унинг моҳиятини жиддийроқ қарасак: миллион-миллион ҳинд халқи бир ёқадан бош чиқариб, яқтан, яқдил ва яқнафас бўлиб баҳамжиҳат равишда ўз ишларини шундай билиб-билиб қилганки, натижада бир ҳовуч инглиз мустамлакачилари бу халқни амалда мутлақо идора қилолмай, ҳокимиятни қўлдан бой бериб қўйган. Оқибатда, ўзларини мамлакатда буткул ортиқча ҳис қилиб, яшаёлмай қолган ва ўз ихтиёри билан Ҳиндистонни тарк этишга мажбур бўлган.

Ж.Неру таниқли гуманист олим сифатида Ҳиндистонда таълим ривожига ҳам катта ҳисса қўшиди. Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, қуйидаги манзара гувоҳи бўламиз: инглизлар кетганидан сўнг мамлакатда 172 661 бошланғич мактаб, 12 843 ўрта таълим мактаби, 5 297 тўлиқсиз ўрта мактаб, 636 коллеж ва 17 университет мавжуд эди. Саводлилиқ 17 фоизни ташкил этиб, таълимга сарф қилинадиган умумий ҳаражатлар 570 миллион рупиядан ошмас эди, бу мамлакат бюджетининг атиги биргина фоизидан ошмас эди.⁷³ Барча болаларнинг ўқиш имкониятига эга эмаслиги, минтақалардаги ривожланишнинг нотекис шароитлари, жинслар ҳуқуқидаги номутоносиблиқлар ва минтақалараро тарқоқлик аҳволни янада мушкуллаштирар эди. Касб-ҳунар ва техника ўқув юртлири эса ибтидоий паллаларни бошдан кечирмоқда эди. Мавжуд таълим-тарбия ўчоқларида асосий эътибор инглиз тилига қаратилар, она тили -ҳиндийни ҳеч ким назар-писанд қилмас эди. Таълим-тарбия тизими ҳам инглизча услубга мослаштирилиб, буюк ҳинд маданиятига мансуб аҳолининг миллий қадр-қийматлари талабига ҳар доим ҳам жавоб беравермасди. Бошқача қилиб

⁷³ Амир Файзулла. Шаҳдам одимлар – Ҳиндистонда маданий ҳаёт // Жаҳон адабиёти, 1997. 6-сон, 202-203-бетлар

айтганда, бу тизим Ҳиндистонда англиз ҳукмронлигини кўллаб-қувватлаш ва сақлаб қолиш учун зарур бўлган ўрта ва паст даражадаги мутахасислар тайёрлашга мўлжалланаган эди.⁷⁴ Ярим асрдан кўп давр оралиғида Ҳиндистон ўзига хос таракқиёт йўлини босиб ўтди ва миллий муаммолар, иқтисодий инкирозлар бўҳронларидан ўтиб, дунёдаги қудратли давлатлар сафига кўшилди. Ҳиндистон кадрлар етишмаслиги, ишсизлик, қашшоқлик, диний ва этник муаммоларга аста секинлик билан ечим топиб келмоқда. Ҳозирги кунда, Ҳиндистон ҳукуматининг энг муҳим масалаларидан бири глобаллашув жараёнлари жадаллашиб бораётган бир замонда ёшлар муаммоси бўлиб қолмоқда. Албатта, бу натижалар Ж.Неру қилган таълим ислоҳотларининг мевасидир.

Махатма Ганди йўлидан борган Жавоҳарлаъл Неру кучли иродали шахс бўлган, хусусан, шундай йўл тутганки, Аллоҳободдаги англиз ҳукумати қамоқхонасида ётиб ҳам тушкунликка берилмаган. Ўз жонига ўзи қасд қилмаган... Аксинча, озодликдаги қизи Индира Гандига мактублар тарзида “Жаҳон тарихига бир назар” номли оламшумул асарини ёзган. Отага ва ўз отаси Неру кўйган Ганди фамилиясига муносиб қиз ва муносиб неvara - озод Ҳиндистоннинг машҳур президенти Индира Ганди эса, ўз навбатида ва ўз вақтида, масалан, мухбирнинг “Ҳиндистон жаҳонга нимадир экспорт ҳам қиладими ўзи?” деган қитмирона саволига, жумладан, шундай жавоб берган эди: “Беш минг йилдан буён Ҳиндистоннинг жаҳонга энг кўп экспорт қилган маҳсулоти фалсафадир. Ҳозир ҳам биз экспорт қилаётган энг олий нав маҳсулотимиз шу”, дея жавоб берган. Бу ўринда Ж.Нерунинг гуманистик ғояларини фарзандлари ҳам изчиллик билан давом эттирганини кўриш мумкин.

⁷⁴ Амир Файзулла. Шаҳдам одимлар – Ҳиндистонда маданий ҳаёт // Жаҳон адабиёти, 1997. 6-сон, 202-203-бетлар.

II.2. Жавоҳарлаъл Неру таниқли олим

Жавоҳарлаъл Неру ватанининг машҳур олимларидан бўлиб, ижтимоий фанларнинг турли соҳасида унумли ижод қилди. У “Мустақилликдан олдин ва кейин”, “Мустақилликдан сўнг”, “Ҳиндистон бугун ва эртага”, “Бир неча кўҳна мактублар”, “Ҳиндистонда ўн саккиз ой”, “Биринчи олтмиш йил”, “Муқаддима. Тинчликка йўл. Уруш сабоғи.”, “Хитой, Испания ва уруш”, “Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати”, “Режалаштириш ва таракқиёт”, “Ж.Нерунинг дунёкараши”, “Таржимаи ҳолим”, “Ҳиндистоннинг кашф этилиши”, “Жаҳон тарихига назар” каби кўплаб тарих, сиёсат, иқтисод ва фалсафага оид ўлмас асарларни яратди. Унинг сайланма асарларининг ўзи 9 та катта жилддан иборатдир⁷⁵. Ж.Нерудан кўплаб адабий ва илмий асарлар мерос қолди. Айниқса, унинг тарих соҳасида яратган мажмуалари қимматли аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда ҳам муҳим манбалардан ҳисобланади.

У Ҳиндистоннинг қадимий, бой, мазмунли тарихига, башарият ўтмишига доир ўнлаб илмий асарлар яратди. Унинг “Таржимаи ҳолим”, “Ҳиндистоннинг кашф этилиши”, “Жаҳон тарихига бир назар”, “Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати” каби йирик ва улкан асарларини ўзбек ўқувчилари рус тилида ўқишга муяссар бўлдилар. Неру умумий тарих ҳақида сўз юритаркан, Осиё халқлари ўтмишига алоҳида тўхталади. Жумладан, “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида у араблар ва мўғуллар, афғонлар ва Ўрта Осиё халқлари, Темур, Бобур ва Акбар тўғрисида талайгина маълумотлар келтирган. Неру: “Буюк истилочи Темур шахси афсонавий шахсга айланди, Амир Темурдан сўнг, унинг ворислари кўпроқ жангужадалларга эмас, балки санъатга ҳомийлик қилишга мойиллик билдирдилар ва темурийларнинг уйғониш даври айнан Ўрта Осиёдан бошланди⁷⁶”, - деб таъкидлаган.

⁷⁵ Seton M. Panditj. A Portrait of Jawaharlal Nehru. New York, 1967. P. 10.

⁷⁶ Джавахарлал Неру. Открытие Индии. –М.-Л., «Иностранной литературы», 1955. С.197.

Неру ўзининг ҳам ижодий, ҳам амалий фаолиятида Ҳиндистоннинг кўшни ва дўст мамлакатлар халқларининг тарихи, жумладан, араблар ва афғонлар, Эрон, Хитой, Рим ва Юнонистон, Россия ва, табиийки, Ҳиндистон тарихи ҳақида сўз юритади. Шунингдек, у Ўзбекистон билан кўпқиррали муносабатларга алоҳида эътибор қаратади.

Жавоҳарлаъл Нерунинг буюк ғоялари бугунги кунда ҳам тинчлик ва ижтимоий тараққиётни қадрлайдиган инсонлар учун жуда яқиндир. Фаолияти ҳар бир индивидиумнинг бахт-саодати учун йўналтирилиши керак бўлган инсонга берган ўз таърифида Неру шахснинг маънавий жавобгарлиги ғоясидан келиб чиқади. У ёки, бу тарихий арбобларга таъриф-тавсиф берар экан, Неру юқоридаги мезонларга амал қилади. Тарихда омманинг ролини, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабат диалектикасини тушуниб етиш, унинг шахс ҳақидаги концепциясининг диққатга сазовор томони эди. Неру ҳар бир алоҳида инсоннинг тақдири мамлакат ва халқ тақдири билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблар эди. Неру шахснинг миқёси унинг халқ, оммаси билан яқинлигига боғлиқ бўлиб, омманинг умид ва армонларини тушуниб етган ҳамда ифодалай олган йўлбошчигина қандайдир аҳамият касб этиши мумкин, деб ҳисоблайди. Ушбу йирик давлат ва сиёсат арбобни, иқтидорли тарихчи ва публицистни юртимизда ҳам яхши танишади ва қадрлайдилар. Унинг ҳаёти ва фаолияти олимларимиз томонидан тадқиқ этилган ва илмий мақола ва тўпламлар сифатида нашр этилган. Нерунинг тинчлик ва халқ бахт-саодати учун курашда намоён бўлган ватанпарварлиги, куч-ғайрати, иродаси ва ҳақиқий гуманизми олимларимизни ҳайратга солади. Шубҳасиз, Жавоҳарлаъл Неру ўз халқининг буюк фарзанди эди.

Машҳур ўзбек алломалари Ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, Ал-Беруний, З.М.Бобур ва бошқа олимларнинг буюк хизматларини қадрлайди. У буюк қомусчи олим Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асарини илмий ва тарихий аҳамиятини юксак баҳолаган, бу асарни хурмат ва эҳтиром билан тилга олган. “Беруний, - дейди Неру, - юнон фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ўрганади. Беруний ҳинд ва юнон

фалсафасини бир-бирига солиштириб, уларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби далилий маълумотларни қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғин бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганини кўрсатиб беради”.

Неру ўзининг “Жаҳон тарихига бир назар” асарида қадимги даврдан то ҳозирги замон (XX асрнинг 30 йиллари)гача бўлган инсоният ўтмишини лўнда ва ихчам равишда баён қилди. Неру Акбар ҳақида сўз юритиб, агар қулай вазият етилмаса ва соғлом муҳит мавжуд бўлмаса, бирорта одам ўз олдига қўйган катта вазифаларни бажара олмаслигини баён қилади. Буюк кишилар, жумладан, Акбар ўз даврининг устивор шароитларининг маҳсулидир, деб айтади. Неру Акбарни ниҳоятда жасур жангчи ва салоҳиятли лашкарбоши деб таърифлайди. Бобурнинг невараси “Акбар ҳам умум Ҳиндистон бирлиги мезонларини диний сепаратик (айирмачилик) даъво-интилишлардан юқори қўйган. Бу соҳада у катта ютуқларга эришди ва кўп муваффақиятлар унга ҳамроҳ бўлди”, деб ёзади Неру. “Акбар номи Ҳиндистон тарихида машҳур ва шу жиҳатдан у қадимги Ҳиндистоннинг энг атоқли императори Ашокни эслатади. Шу нарса таажубланарлики, милoddан аввалги III аср буддавий императори Ашок ва милодий XVI аср ҳукмдори Акбар деярли бир хил сўз ишлатиб, бир хил фикрлар”. Неру шундай сатрларни келтиради: “Акбар тийрак ва ўткир ақл эгаси, соғлом фикрловчи, эҳтиёткор ва энг аввало марҳаматли, очиқ чеҳрали, олийҳиммат инсон. Ундаги бу хислатлар буюк иқтидорли одамларга хос мардонаворлик билан қўшилиб кетган.” Неру Акбарни ҳар томонлама ва батафсил таъриф-тавсифлаб, у ва унга ўхшаш шахслар “оҳанрабо каби одамларни ўзига тортади”, деб таъкидлайди. Шунинг учун ҳам, “Жаҳон тарихига бир назар” китоби Нерунинг дунёқараши, унинг сиёсат ва тарихга оид фикрларини акс эттирган, XX асрда чет элда чиққан энг машҳур асарлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун Ж.Неру дунёнинг кўплаб давлатларида фанлар академиясининг фахрий аъзолигига қабул қилинган. Жавҳарлал Неру номи таниқли олим сифатида Ҳиндистоннинг бир қатор илмий тадқиқот

марказлари ва университет, коллежларига берилганки, бу ҳам шундай кенг билим эгасига кўрсатилган эҳтиромнинг юксак намунаси ҳисобланади. Ж.Неру номида бир қатор мукофотлар таъсис этилган бўлиб, юртимизнинг бир қатор олимлари-ю, шоирлари шундай мукофотларга сазовор бўлишган. Ўзбекистон маданият арбоби Мухтор Ашрафий, Халқ шоирамиз Зулфиялар айнан шу мукофот билан тақдирланганлар. Жавоҳарлаъл Неру нафақат тарих фани қолаверса, халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик фанларининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Сабаби, бугунги кунда Ж.Нерунинг “қўшилмаслик ҳаракати” тамойиллари, “панча шила” орқали халқаро муносабатларда муаммоларни бартараф этишда олиб борган музокара усуллари ушбу фанлар дарсликларидан муқим ўрин олган.

Бундай эътирофлар Жавоҳарлаъл Неру XX асрнинг буюк даҳоларидан бири бўлганлигини, ҳозирги замон тарихида ўчмас из қолдирганини ифодалайди.

Ш.БОБ ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ ҲИНДИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ МЕЪМОРИ

Ш.1. Ҳиндистон Республикасининг ташқи сиёсий тамойиллари

Ҳиндистон ташқи сиёсати ҳақидаги тамойиллар ҳали у мустақилликни қўлга киритмасиданоқ ишлаб чиқилди. 1946 йилда Ж.Неру Ҳиндистон халқаро алоқаларнинг фаол субъектларидан бири бўлиши, ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мустақил ташқи сиёсат олиб боришини эълон қилди. Бу кейинчалик мамлакатнинг ташқи сиёсатини мустақил олиб боришига замин яратди. Ҳиндистон Миллий Конгрессининг ташқи сиёсати шу партия ички сиёсатининг бевосита давоми эди. Бу сиёсатга Ж.Неру асос солган бўлиб, унга “куч ишлатмаслик” ғояси ҳам таъсир ўтказган эди. Неру тинч-тотув яшашнинг беш асосий қоидаси - “панча шила” (ҳинд тилида - беш асосий қоида)ни ишлаб чиқдики, улар қуйдагилардан иборат: давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш; бир-бирига ҳужум қилмаслик; бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик; тенглик ва ўзаро манфаатдорлик; тинч-тотув яшаш⁷⁷.

Биринчи бор ушбу қоидалар 1954 йилги Ҳиндистон - Хитой битимида қайд этилган бўлиб, ўша вақтдан бери халқаро муносабатлар амалиёти ва мафқурасига чуқур сингиб кетди. Мазкур принциплар сўзда эмас, амалда Ҳиндистон ташқи сиёсатининг заминига айланди. Ж.Неру ишлаб чиққан ҳарбий блокларга қўшилмаслик ғояси юқоридаги қоидаларнинг бевосита давоми сифатида кўпчилик давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Ҳиндистон бошқа мамлакатларни ўзига бўйсундиришга, уларнинг ички ишларига аралашинишга ҳеч қачон интилмади, ҳамиша босқинчилик қурбонларини ҳимоя қилди. Шу боисдан унинг ташқи сиёсий йўли ривожланаётган мамлакатлар учун жозибали эди. Ҳиндистон Бандунг конференцияси ва қўшилмаслик ҳаракати ташаббускорларидан бири, аслида Неру мазкур ҳаракатнинг “норасмий раҳбари” эди⁷⁸.

⁷⁷ Ғиёсов Т.Ғ. Қўшилмаслик ҳаркати-тинчлик ва халқаро хавфсизлик омили. – Т., “Ўзбекистон”, 1984. –Б. 9.

⁷⁸ Dutt S. Nehru in the Foreign office. Calcutta. 1977. P. 320.

Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати биринчи бош вазир Ж.Неру томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил асосига қурилгани, уни амалга ошириш жараёнида ҳарбий блокларга қўшилмаслик ва мустақил суверенитетини таъминлайдиган сиёсати эътиборга сазовордир. Шу муносабат билан жаҳон ҳамжамиятида Ҳиндистон ўзига хос ташқи аралашмаслик сиёсатини олиб боради. Шунинг учун ҳам Ҳиндистон мустақиллигининг 60 йиллиги даврида бу сиёсат ўзини оқлаганлиги бошқа ривожланаётган мамлакатлар учун тажриба омилига айланиб борганлиги қайд этилган. Ж.Неру ишлаб чиққан ташқи сиёсатнинг бизнинг кунгача изчиллик билан давом этиши, Неру йўлининг мамлакат халқи ва дунёдаги барча тинчликсевар халқларнинг туб манфаатларига мос тушганлигига яққол далилдир. Ҳиндистон ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсати туфайли жаҳонда энг обрўли давлатлардан бирига айланган, бунда албатта, Нерунинг хизмати, ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мамлакатда ички сиёсий масалаларни ҳал этишга Ж.Неру жуда катта ҳисса қўшди, ташқи ишлар вазири сифатида у, Ҳиндистон ташқи сиёсатининг асосий тамойилларини амалга оширди, ҳимоя қилди, қўшилмаслик асосларини шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этишда шахсан иштирок этди.

Қўшилмаслик сиёсати ва ҳаракатининг муҳим тамойиллари - бу суверенитет, чегараларнинг даҳлсизлиги, давлатлар ҳудудларининг бутунлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва албатта, ҳарбий уюшмаларга қўшилмасликдан иборат.

Британия мустамлакачиларининг ўзига тобе бўлган халқлар устидан ҳукмронлик қилишини Неру адолатсизлик ва шафқатсизлик деб қоралади. Ҳиндистоннинг озодлик учун олиб борган курашини эса, табиий ҳаракат деб ҳисоблади. Мустақил Ҳиндистон учун Покистон билан боғлиқ муаммоларни икки томонлама муносабатлар соҳасидаги энг оғриқли муаммо бўлди. Кашмир масаласи бу икки давлат ўртасида талай можароларни келтириб

чиқарди. Покистон Ҳиндистондаги мусулмонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиб келди. Ҳиндистон собиқ Иттифок билан яқинлашган шароитда Покистон АҚШ ва Буюк Британия мададига таянди.

1965 йил августда – сентябрь ойларида Кашмир масаласида жиддий қуролли тўқнашув содир бўлди⁷⁹. 1971 йил декабрида кенг кўламли уруш авж олди. “Совуқ уруш” шароитида Ҳиндистон ғарб давлатлари билан яқин сиёсий алоқа ўрнатмаган эди. Иқтисодиёт соҳасида алоқалар ривожланган бўлса-да, хорижий сармоялар Ҳиндистон иқтисодиётига кам қўйилган эди. Ғарб кредитлари ёрдамида асосан давлат корхоналари қурилди.

Собиқ Иттифок раҳбарияти Ҳиндистоннинг чинакам “социалистик” эволюция йўлидан боришига умид боғлади. Шу боис, собиқ Иттифок Ҳиндистонга кенг миқёсда техник ва иқтисодий ёрдам кўрсата бошлади. 1991 йилда - собиқ Иттифок қулаган даврга қадар унинг кўмаги билан Ҳиндистонда жами 90дан ортиқ йирик саноат корхонаси бунёд этилган бўлиб, яна 50 таси қурилаётган эди⁸⁰. “Социалистик Ҳиндистон” ҳақидаги орзулар амалга ошмаган бўлсада, Ҳиндистон билан дўстона муносабатлар собиқ Иттифокқа Жанубий Осиёда ўз таъсирини ўтказиш ва ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари назарида ўз обрўсини ошириш имконини берди. Ҳиндистон ўз ташқи сиёсий ғояларига садоқатини сақлаб қолишга интилди. У собиқ Иттифокнинг қуролланиш пойгасидаги иштирокини танқидий баҳолаб, 1968 йилда Чехословакияга бостириб киришини қоралади, Афғонистондаги қуролли босқинига салбий муносабатда бўлди. XX асрнинг 90 йилларига келиб, Ҳиндистоннинг ташқи сиёсатида Ғарбга мойиллик аниқ намоён бўла бошлади.

Ж.Нерунинг Ўзбекистонга нисбатан бўлган муносабати ҳам жуда илиқ ва самимий эди. У 1946 йил март охири ва апрель бошида Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган Осиё халқлари муносабатларига доир конференцияни очатуриб, Ўрта Осиё республикалари, хусусан, ўзбек делегатларини алоҳида қизгин

⁷⁹ Лафасов М. Жаҳон тарихи (1918-2008). “Турон-иқбол”, Т, 2010. Б. 224.

⁸⁰ Гофуров А. Ҳиндистон. ФарДУ. 2009. -Б. 238.

табриклади. Ж.Неру қизи Индира Ганди билан ўзбекистонлик вакилларни ўз уйида меҳмон қилди⁸¹. Ж.Неру 1955 йил июнида Ўзбекистонга азиз меҳмон бўлиб келди. Бу ташриф икки давлат муносабатлари тарихида зарҳал харфлар билан ёзилган саҳифани очди. Ж.Неру ва унинг қизи Индира Гандини ўзбек халқи гулчамбарлар билан қизғин қутлади. Тошкент аэропортида кўплаб кутиб олувчилар олдида нутқ, сўзлаб, Неру айтган эди: “Мен Ўзбекистонга келишни кўпдан орзу қилар эдим. Орзуим амалга ошди. Мамлакатларимиз бир-бирига қўшни. Одат бўйича қўшнилар яқин алоқада бўлишлари, бир-бирларини яхши билишлари керак. Қадим замонлардан бир-биримизга қизиқишимиз катта бўлган, савдо, маданий алоқалар кенг йўлга қўйилган, бир-биримизга тез-тез бориб турганмиз. Мустамлакачилар томонидан вақтинчалик ўзиб қўйилган алоқалар янгидан тикланаяпти. Биз бундан беҳад хурсандмиз”. Олий меҳмоннинг шарафига уюштирилган концертда машҳур Зокировлар хонадони вакиласи Луиза Зокирова илк бора ҳиндча қўшиқ куйлади. Қўшиқ меҳмонларга манзур бўлди. Улар кучли ҳаяжонланганларидан кўзларида ёш қалқиди. Индира Ганди қизнинг юзларидан ўпди, Неру унга фил суягидан ишланган тўғноғич совға қилди.

Неру ва унинг қизи Индира Ганди Ўзбекистон билан атрофлича танишдилар. Улар Самарқанд меъморчилигининг ажойиб намуналарини томоша қилганлар, ундаги тарихий обидалар-мақбара, масжидлар, Гўри Амир, Улуғбек расадхонасини зиёрат қилганлар. Ж.Неру шаҳардаги меъморчилик ёдгорликларидан бирини таъмирлаётган устага: “Шундай ёдгорликларни ҳозирда ҳам бажара оладиган мутахассислар борми?” - деб савол беради. Уста аввалига жавоб беришга шошиб қолади, сўнг у Ж.Нерунинг табассум билан қараб турган юзига кўзи тушиб, таржимонга: “Бизда бундан мураккаб ишларни бажарадиган моҳир усталар ҳозир ҳам мавжуд. Уларнинг касбидан замонавий биноларни бадиий жиҳатдан безашда кенг фойдаланишяпти”, -деб жавоб беради. Ж.Неру жавобдан қониққан-лигини юз ишораси билан тасдиқлайди.

⁸¹ Ғиёсов Т.Ғ. Ўзбек халқининг содиқ дўсти. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2009. –Б. 153.

Ж.Неру каерда бўлмасин, халқ уни хурсандлик билан сидқидилдан кутиб олди. Бундай меҳмондўстлик энг аввало ўзбек халқининг Ж.Неруга ва у раҳбар бўлган ҳинд халқига кўрсатилган ҳурмат ва эҳтироми белгиси эди. Неру мамлакатимизга қилган сафаридан батамом мамнун эди. У ватанига қайтар экан, ўз миннатдорчилигини изҳор қилди: “Мен ўйлайманки, - деди у, -бу ердан бир вақтда ҳам бадавлатроқ, ҳам камбағалроқ бўлиб қайтаяпман, бунинг сабаби бизни самимий кутиб олганингиз борасида олий даражадаги таассуротлар билан бойидим. Мен бу заминда юрагимнинг бир бўлагини ташлаб кетаётганим боис ўзимни камбағалроқ ҳис қиляпман...”. Неруга биринчи ҳосилдан бир халтачада буғдой инъом этилди. Шунда у, “Мен талайгина мамлакатларда саёҳатда бўлганман ва кўп ерда совғалар топширишган, аммо уларнинг ичида энг азизи ва қимматлиси шу бир қисм буғдойдир”, -деганди.

Улар Тошкентда “Навоий” номли академик катта театрда “Баҳор” халқ ансамбли концертини мароқ билан тамоша қилишди. Ўзбекистонга бўлган катта қизиқиш Ж.Неру ва И.Гандини бу ўлкага яна бир бор 1961 йилда олиб келди. Бу гал ҳам аввалгидек республика раҳбарлари, барча аҳоли буюк инсонни чин юракдан, дўстона кутиб олди⁸². Ўз ютуқлари - янги обод бўлган шаҳар ва қишлоқлар билан илмий-тадқиқот институтлари, шарқшунослик институтида сақланувчи қадимий, ноёб қўлёзмалар билан таништирдилар⁸³. Ж.Нерунинг Ўзбекистонга қилган икки расмий ташрифи жуда сермазмун бўлиб, икки халқни бир-бирига яқинлаштиришда, улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини ўрнатишда, бир-бирига ишонч туйғуларини уйғотишда тарихий аҳамият касб этди. Иккала сафар ҳам ниҳоятда самарали бўлиб, унинг натижасида ўзбек ва ҳинд халқларининг дўстлиги янада чуқур илдиз отди. Неру умрининг охиригача ўзбек халқининг содиқ дўсти бўлиб қолди.

⁸² Ўша жойда.

⁸³ Ўша жойда.

Ж.Неру софдил, хушфеъл, камсукум, аммо жуда ишчан, талабчан ва довюрак инсон бўлиб, шеърият, адабиёт ва санъатнинг чинакам ихлосманди бўлган. Унда ҳинд халқининг донолиги, меҳнаткашлиги, оққўнгиллиги мужассамлашганди. Шубҳасиз у Ҳиндистон ташқи сиёсатининг меъмори бўлган. Ҳиндистон шароитида демократия иқтисодий вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим шарти ҳисобланди⁸⁴.

Ҳиндистоннинг шу сиёсати йўналиши туфайли мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси билан икки мамлакат ўртасида қадимги муносабатлар асосида замонавий халқаро тенг ҳуқуқли субъект сифатида дўстлик, ҳамкорлик, тинчлик муносабатлари янгича босқичда ташкил этилиб, тобора ривожланиб бормоқда. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида 60 тага яқин ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, сармоялар киритиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, тўғридан-тўғри инвестиция киритиш каби соҳалардаги муносабатлар ривожланиб бораётгани кўрилади⁸⁵. Икки мамлакатнинг маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида, туризм соҳасида, экологик муаммоларнинг ечимини биргаликда топиш йўналишида, терроризмга, диний фундаментализмга, ақидапарастликка қарши биргаликда кураш олиб бориш, замонавий таълим-тарбия, банк ва молия тизимини ривожлантиришда ўзаро кадрлар тайёрлаш, ахборот технологиясини ютуқларидан фойдаланишда ўзбек-ҳинд муносабатлари, айниқса, жаҳоннинг бошқа олимлар қаторида ўзбекистонлик олимлар билан ҳиндшуносликни янада чуқурроқ ўрганиш лозимлиги тўғрисида ва бошқа муаммолар тўғрисида конференциялар, симпозиумлар, семинарларни мунтазам ўтказишда ҳинд олимларининг фаоллиги ва ўзбек олимлари билан ҳамкорлиги ривожланаётганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг миқёсли муносабатларни янада чуқуроқ ва ҳар томонлама ўрганиш учун умумий ва ўзига хос хусусиятли концепция ишлаб чиқиш вазифасини ҳал

⁸⁴ Dutt S. Nehru in the Foreign office. Calcutta. 1977. P. 320.

⁸⁵ Н.Умарова. Ўзбекистон – Ҳиндистон: ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истикболлари. // “Жаҳон АА”. 2011 йил 14 май.

этиш лозим. Чунки, Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар бир-бирига узвий, тарихий, маданий, иқтисодий, савдо ва санъат соҳаларида чуқур боғланганлиги, ҳиндшунослик тараққиётларини янада чуқурлаштиришни талаб этади.

III.2. Жавоҳарлаъл Неру – қўшилмаслик сиёсатининг асосчиси

Бугунги глобаллашув жараёнларида дунё геосиёсатида қўшилмаслик ҳаракати халқаро муносабатларнинг тарқакқиёт маҳсули. Эслаб ўтиш жоизки, унинг пайдо бўлишига икки омил: дунёнинг икки қарама-қарши ижтимоий-иқтисодий тизимдаги давлатларга ажралиши ҳамда халқаро муносабатларда мустақил роль ўйнаётган юзга яқин давлатларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди. Қўшилмаслик ҳаракатининг ташкил топишида бу икки омил қаторида ташқи сиёсий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан йирик давлатлар “совуқ уруш”ни бошлаб юборишди. Натижада, Шимолий Атлантика пактига ўхшаган бир қатор ҳарбий-сиёсий блоклар тузилди⁸⁶.

Мамлакат мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, Жавоҳарлаъл Неру халқаро миқёсдаги қўшилмаслик сиёсати ва ҳаракатининг илк яратувчиларидан бири бўлди. Ҳозир бу ҳаракат замонамизнинг халқаро муносабатларидаги муҳим омилга айланиб, унда Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 120 дан ортиқ мамлакат фаол қатнашмоқда. 1983 йил мартда Деҳлидаги анжуманда қўшилмаган давлатлар ва мамлакатлар ҳукумат бошлиқларининг Индира Гандини бу ҳаракат раиси сифатида сайлаши Ҳиндистон Республикасининг қўшилмаслик ҳаракатидаги улкан ва ҳайрли ролини эътироф этишдир.

Шунингдек, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг раиси лавозимида Ҳиндистон вакили Ромеш Чандранинг лойиқ топилиши ҳам тасодифий ҳол бўлмай, балки Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ва халқининг дунёдаги тинчлик ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси барча мамлакатлар халқлари томонидан юқори тақдирланганидан далолат беради. Шундай бир вазиятда дастлаб, қўшилмаслик концепцияси, сўнгра қўшилмаслик курси ва ниҳоят қўшилмаслик ташқи сиёсий тамойили вужудга келди⁸⁷. Ушбу ҳаракат тамойилларини ишлаб чиқишда ва уларни амалга тадбиқ этишда Ҳиндистон Бош

⁸⁶ Ғиёсов Т.Ғ. Қўшилмаслик ҳаркати – тинчлик ва халқаро хавфсизлик омили. – Т., “Ўзбекистон”, 1984. 316.

⁸⁷ Ўша жойда.

вазири Жавахарлаъл Неру, Миср Араб Республикаси Президенти Жамол Абдул Носир улкан ҳисса қўшганлар. Ушбу ҳаракатнинг энг муҳим тамойиллари Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунг (Индонезия, 1955 йил апрель) конференциясида таъриф этилганди. Булар – суверен тинчлик, суверенитетга хос ҳуқуқларни хурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид этмаслик, чегаралар дахлсизлиги, давлатлар ҳудудларининг бутунлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини хурмат қилиш, тинчлик ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, давлатлар ўртасида ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқ мажбуриятларини виждонан бажаришдан иборат.

Қўшилмаслик ҳаракати сиёсатининг ва фалсафасининг яратувчиларидан бири Ж.Неру халқларнинг моддий фаровонлигини фақат тинчлик шаротида бунёдга келтириш мумкин, деб бир неча бор уқтирган эди. Тинчлик – бу фақат урушдан холи бўлиш эмас, балки давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамдир. Ҳиндистон ва шу каби давлатлар халқаро миқёсда муҳим роль ўйнаш учун ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаслиги керак, деган эди у⁸⁸. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг асосчиси Ж.Неру бизлар ҳеч қандай қарама-қарши лагерга қўшилмаймиз ва ҳар қандай ҳарбий иттифоққа қаршимиз, деган эди. Биз қўшилишни истаган яккаю-ягона блок – тинчлик блоги ҳисобланиб, унда иложи борича кўпроқ давлат иштирок этиши лозим. Қўшилмаслик сиёсатининг асоси ва мазмунини биринчи марта Ж.Неру 1947 йил 4 декабрда Ҳиндистон таъсис мажлисида таърифлаган эди. “Бизнинг давримизда, - деганди у, - ташқи сиёсатнинг моҳияти битта умумий саволга бориб тақалади: “Ким қайси гуруҳга мансуб?”. Бу албатта, масалани ниҳоятда соддалаштириб кўрсатишдир... . Биз эса, ташқи сиёсатда ўзимизни бирорта томон билан боғлаб қўймасликка интилдик ва бир халқаро масалани моҳиятига ўз шахсий фикримиз билан ҳал этишга тиришамиз⁸⁹.

⁸⁸ Насенко Ю. Джавахарлал Неру и внешняя политика Индии. М., 1975.

⁸⁹ Неру Ж. Внешняя полтика Индии, 1946-1964. М., 1965, -Б. 58.

Ҳақиқатдан ҳам, қўшилмалик сиёсати Ж.Неру таъкидлаганидек, ташқи сиёсат муаммоларини ечишда умумий тинчлик ва харфсизликни таъминлаган ҳолда кўзланган мақсадга етишда блоklarга қўшилмай мустақил равишда ҳаракат қилишдан иборат.

Ж.Неру шу билан бирга Ҳиндистон ҳар бир давлат билан дўст бўлиб қолиши, мамлакат олдида турган вазифаларни иложи борида дўстлик шароитида бажаришга ҳаракат қилиши лозимлигини уқтирган эди. Қўшилмаган давлатларнинг Лусакада қабул қилинган декларациясида (1970 йил сентябрь) қўшилмалик сиёсати мустақил мамлакатларнинг миллий суверенитети ва халқларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш натижасида пайдо бўлганлиги кўрсатилган.

1947 йилдаёқ Ҳиндистон ҳукуматининг раҳбари “Мен яқин орада, айтайлик 2-3 йилдан сўнг дунё қўшилмаслик позициясини маъқул кўришига ишонаман ва ҳозирда кучсиз бўлган талайгина кичик давлатлар бу масалада эҳтимол Ҳиндистондан ўртак олсалар керак”,-деганди⁹⁰. Натижада, “совуқ уруш” Ж.Неру айтган ана шу жараёнларни янада тезлатди.

Узоқ давр мобайнида қўшилмаслик сиёсати мустақилликни қўлга киритган давлатларнинг улкан умумдемократик халқаро бирлашмасига айланди. Агар қўшилмаган давлатларнинг 1961 йил сентябрда Белградда бўлган I конференциясида 25 мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, 1983 йилда Дехлида бўлиб ўтган VII конференциясида 101 мамлакатдан делегациялар иштирок этди. Бу албатта, қўшилмаслик ҳаракати халқаро сиёсатнинг муҳим факторига айланиб, дунё воқеалари тараққиётига катта таъсир кўрсатганлигининг далилидир.

1947 йилда қўшилмаган мамлакат фақат Ҳиндистон ҳисобланган бўлса, бу ҳаракат тобора кенгайиб, мустақкамланиб, Европа, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларига ёйилди ва 20 аср сўнгида қўшилмаслик ҳаракати бир ярим миллиард аҳолига эга 120дан ортиқ мамлакатни қамраб олди, сон жиҳатдан БМТдан иккинчи ўринга чиқди. Яна шу нарса диққатга сазоворки,

⁹⁰ Неру Ж. Внешняя политика Индии, 1946-1964. М., 1965, -Б. 61.

1947 йилдан буён бирорта мамлакат бу ҳаракатдан чиқиши ҳақида арз қилгани йўқ. Қўшилмаслик ҳаракатида иштирок этаётган давлатлар жаҳондаги барча ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий тузумдаги давлатни ўз ичига олади. Бу ҳаракатда монархиядан тортиб, бозор муносабатларида бўлган давлатлар қатнашганлигини кўриш мумкин. Жумладан, унинг таркибида Мўғулистон, Вьетнам Социалистик Республикаси, Кампучия Халқ Республикаси, Лаос Халқ Республикеси кабиларни санаб ўтиш мумкин. Қўшилмаслик ҳаракатининг сон жиҳатдан ўсиши билан бирга унинг мазмуни ва моҳияти ҳам катта аҳамият касб этади. Бу ҳаракат алоҳида давлатлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолмай, балки шу давлатларнинг тарихий, маънавий, маданий негизларининг умумийлигидан ҳам келиб чиқади. Қўшилмаслик ҳаракатидаги мамлакатлар ўтмишжа чет эл зулмидан жафо чекиб, яқин йилларда мустақилликни қўлга киритган давлатлар бўлган. 20 аср сўнггида блокларга қўшилмаслик ғояси Осиё ва Африкадаги талайгина мамлакатлар ташқи сиёсий фаолиятига асос қилиб олинди.

Ҳарбий блокларда қатнашмаслик, тинч-тотув яшаш, тенг ҳуқуқ асосида иқтисодий ҳамкорлик қилиш ана шу мамлакатлар қўшилмаслик сиёсатининг асосий тамойилларидир. Мазкур мамлакатларнинг раҳбарлари бундай сиёсат нейтраллик сиёсати билан ҳеч қандай ҳеч қандай алоқаси йўқлигини билдирганлар. Ж.Неру ҳам озодлик ёки адолат хавф-хатар остида қолган жойда ёки агрессия вужудга келган тақдирда биз нейтрал бўла олмаймиз ва бўлмаймиз ҳам, - деб таъкидлаган эди⁹¹. Ўша пайтда айтилган бу сўзлар қўшилмаслик ҳаракатининг негизини ташкил этиб, унинг шиорига айланган.

Қўшилмаслик сиёсати амалда тинч-тотув яшаш тамойилларини фаол равишда ҳаётга тадбиқ этишдан, ижобий, фойдали ва бир мақсадга йўналган сиёсатдан иборатдир. Қўшилмаслик сиёсатининг ижобий томони шундаки, у ўз моҳияти билан аксил мустамлакачилик мазмунга эга бўлиб, ирқчиликка қарши мақомда туради. Қўшилмаган давлатларнинг Белграддаги 1 конференциясида (1961 йил сентябрь) сўзлаган маърузасида Ж.Неру:

⁹¹ Неру Ж. Внешняя полтика Индии, 1946-1964. М., 1965, -Б. 57.

“Қўшилмаслик иборасини ҳар хил тушуниш мумкин, аммо у асосан “буюк давлатларнинг ҳарбий блокларига қўшилмаслик” маъносини англатади. Бу сўз ҳарбий мақсадларда тузилган ҳарбий блокларга, ҳарбий иттифоқларга кирмаслик деган маънони билдиради. Шунинг учун биз бундай гуруҳлардан четда турамиз ва озми-кўпми ўз обрў – эътиборимизни тинчлик манфаатларига бўйсундиришни истаймиз”, -деган эди⁹².

Қўшилмаслик ва бетарафлик сиёсати ўртасида муҳим фарқ мавжуд. “Нейтралитет” мақоми асосан уруш даври ва уруш шароитига нисбатан қўлланилиб, уруш қилмасликни ифода этади, қўшилмаслик ҳаракати тинчлик даврида ва тинчлик шароитида пайдо бўлган ва унинг мақсади урушнинг олдини олиш, уни бартараф этиш учун фаол ҳаркат қилишдир. И.Ганди “қўшилмаслик тамойили – бу рўй бераётган воқеа ва ҳодисага нисбатан бефарқ қараш эмас, балки улар ҳақида мустақил фикр юритиш ва ҳаракат қилишдир”, -деган эди⁹³.

Ҳақиқатан ҳам ривожланаётган мамлакатлар инсониятни безовта қилаётган барча масалаларга бепарволик ва лоқайдлик билан қарай олмайдилар. Маълумки, ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати билан чамбарчас боғланган. Ҳинд халқининг буюк фарзанди Ж.Неру Ҳиндистон ўз олдига қўйган орзу-умидларни фақат тинчлик шароитида рўёбга чиқариш мумкин, деб бир неча бор уқтирган эди. Ҳиндистоннинг тинчлик ва халқлар хавфсизлиги идеалларига амал қилиши унинг ташқи сиёсатининг мустаҳкам негизини ташкил этади. “Бизнинг тинчликка даъватимиз, - деган эди И.Ганди Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXXVIII сессиясида, ўзимизнинг фақат холис тилагимизни баён қилишдан иборат бўлмай, тинчликнинг ҳаётий зарурат эканлигидир. Чунки, мавжуд қурол-аслаҳа умуман инсониятни тор-мор қилиш таҳдидини солмоқда. Бугунги тинчликсиз эртанги ҳаёт йўқдир. Барча мамлакатларда тобора кўпроқ одамлар даҳшатли қурол жамғармаси қандай оқибатларга

⁹² Неру Ж . ўша асар, -Б. 267.

⁹³ Индира Ганди. Статъи, речи, интервью, М., 1975. - С.33.

дучор қилишини тушунгани сари, унинг сиёсий эътиқодидан қатъий назар, тинчлик учун кураш кенгаймоқда ва ривож топмоқда. Биз тинчлик учун курашни авж олдирган тақдирдагина омон қолишимиз мумкин⁹⁴.”

Ҳиндистоннинг жаҳон майдонидаги роли тобора ошиб бораётганлиги асрлар давомида бировлар сиёсатининг объекти бўлиб келган халқлар бизнинг давримизда халқаро ҳаётнинг ҳақиқий иштирокчиси ва ижодкорига айланганлигини ишонарли тарзда исботловчи далилдир. Ҳиндистон блокларга қўшилмаслик ҳаракатига асос солди, бу ҳаракатнинг ижобий таъмойиллари шаклланишига кўмаклашди, блокларга қўшилмаган мамлакатларга ҳинд ҳукумати раҳбарлари жаҳон сиёсатининг энг муҳим масалаларини, халқаро муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга, жаҳоннинг ҳамма жойида осойишталик ва барқарорлик ўрнатиш ишига ривожланаётган мамлакатларнинг конструктив ҳисса қўшишларига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

1983 йил мартда Ҳиндистон пойтахти Деҳлида қўшилмаган мамлакатлар VII конференцияси бўлиб ўтди. Деҳли анжумани халқаро вазият ниҳоятда чигаллашган, империалистик давлатларнинг қўшилмаган мамлакатлар ички ишига аралашуви авжига чиққан, бу ҳаракат қатнашчиларининг ичида айрим мамлакатлар шу ҳаракат тамойилларига раҳна солган (масалан, Покистон ташқи сиёсатда милитаризмга юз тутиб, АҚШ билан ҳарбий шартнома тузган) бир шароитда ўтди.

Куба давлат кенгаши ва Вазирлар маҳкамасининг раиси Ф. Кастро VII конференция очилиши маросимидаги нутқида Вашингтоннинг милитаристик курсини, унинг ҳақларо кескинликни кучайтиришга қаратилган сиёсатини қаттиқ қоралади. Президент Рейган ҳарбий устунликка эга бўлиш ниятида уруш хавфини кескин равишда кучайтирар экан, ядро ҳалокатидан ҳалос бўлишнинг яккаю-ягона йўли-бу курашишдир, деб ҳисоблади.

Дехуш анжуманида Ҳиндистон делегацияси қўшилмаган мамлакатлар иқдисодий стратегиясида ўз фаолиятларини уч соҳада кучайтиришлари зарур

⁹⁴ Индира Ганди. Статъи, речи, интервью, М., 1984. –С. 3.

деган таклифни киритди. Биринчидан, халқаро иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш мақсадида глобал музокаралар бошлаш, иккинчидан, бу музокаралар бошланишини кутмасданоқ жуда мушкул масалаларда зудлик билан қатор дастурларни амалга ошириш (жумладан, ташқи қарзларни тўлаш шартларини енгиллатиш, илғор индустриал мамлакатлар бозорида ҳар хил тўсиқларни камайтириш, қишлоқ, хўжалик тараққиёти учун керакли маблағларни сафарбар этишга ёрдам бериш, энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш), эскириб қолган молия-кредит тизими ислохотини ўтказиш мақсадида кенг халқаро конференцияни чақириш; ниҳоят, учинчидан, ривожланаётган мамлакатлар кўпроқ ўз кучи ва имкониятига таянадиган тамойилни ўрнатиши ва ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириши лозим. Ҳиндистоннинг бу таклифи конференция томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Конференция раиси И. Ганди халқаро иқтисодий тизим таназзул ёқасига келиб қолганлигини, инсоният эса ядро урушида қирилиб кетиш хавфи остида турганлигини, халқларимиз учун яхшироқ турмуш яратиб бериш режалари ялпи тинчликни таъминлашга ва қуролланиш пойгасини жиловлашга боғлиқ бўлиб қолганлигини яна бир бор таъкидлаб ўтганди.

Конференция қатнашчилари Ер қуррасидаги ниҳоятда хавфли ҳудудларга - Яқин Шарқ, Жанубий Африка ва Марказий Америкага катта эътибор бердилар. Улар Фаластин озодлик ташкилоти ижроия қўмитаси раҳбари Ясир Арафатнинг Индира Ганди раислигида Фаластин муаммоси буйича махсус қўмита тузиш ҳақидаги таклифини қабул қилдилар.

Конференция икки қисмдан иборат муҳим ҳужжат сиёсий ва иқтисодий декларацияни қабул қилди. Қўшилмаслик сиёсатининг моҳияти, - дейилади сиёсий декларацияда, - империализм, колониализм, неоколониализм, ирқчилик ва апартеид, шу жумладан сионизмга қарши ҳамда ташқи агрессиянинг барча шаклларига қарши курашдан иборатдир⁹⁵. Иқтисодий декларацияда тенглик ва адолат асосида қурилган янги иқтисодий муносабатларни ўрнатиш лозимлиги қайд қилинади. Конференция якунида

⁹⁵ Нихамин В.П. Очерки внешней политики Индии. –М., «Политической литературы», 1959, С.225.

«Дехуш мурожаати» қабул қилиниб, унда замонамизнинг бош вазибалари тинчлик ва тинч-тотув яшаш, қуролсизланиш ва тараққиётга эришишдан иборатлиги кўрсатилган. Умуман, Дехли анжуманининг иши натижасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- қуролланиш пойгаси зўраяётгани инсониятни ҳалокатга олиб келиш хавфини англаш, унга зудлик билан бардам бериш зарурлиги ва биринчи галда янги қирғин қуролларини ишлаб чиқариш ва ёйишни тўхтатиш;

- умумий хавфсизлик мақсадида Ер қуррасида ядро қуролидан холи бўлган ҳудудларни вужудга келтириш, айниқса хавфли бўлган ҳинд океанини ва бошқа регионларни тинчлик ҳудудига айлантириш;

- миллий озодлик ҳаракатини мустақкамлаш ва ҳуқуқлари поймол қилинган Фаластин, Жанубий Африка республикаси, Намибия ва бошқа халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш; Яқин ва Ўрта Шарқда, Африканинг жанубида ва Марказий Африкада адолатли тинчликни барпо этиш.

Қўшилмаслик ҳаракати иштирокчилари таркиби жиҳатидан ҳар хил бўлишига, улар ичида турли даражада тараққий этган ва сиёсий-иқтисодий тузуми турлича бўлган мамлакатлар мавжуд бўлишига қарамай, унинг негизини аксиперимпериализм ва ирқчиликка қарши кураш, тинчлик, тараққиёт, тенглик ташкил этади.

Конференцияда баъзи кимсаларнинг қўшилмаслик ҳаракати барбод бўлади деган умидларини пучга чиққанги, ҳамма мамлакат ва халқларнинг тинчлик, тараққиёт, тенглик учун биргаликда иш кўриши ва курашиши лозимлиги ҳақида барчанинг фикри бир эканлиги яна бир бор таъкидланди.

АҚШ маъмурияти Дехли конференциясидан сўнг, махсус баёнот эълон қилиб, унда анжуманда қабул қилинган муҳим ва жиддий яқунловчи ҳужжатни камситмоқчи бўлди. Қўшилмаган мамлакатлар VII конференцияси очилиши арафасида Рейган маъмуриятининг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги Америка элчихоналарига юборилган ва “Кирпатрик режаси” номини олган ҳужжатда, жумладан хилма-хил кўпорувчилик ишлари ўтказиш йўли билан қўшилмаслик ҳаракатини

парчалаб ташлаш зарурлиги таъкидланган эди. Тазйиқ ўтказиш воситалари сифатида ривожланаётган мамлакатларга қарши куч ишлатиш билан дўк қилишдан ташқари, иқтисодий ёрдам бермаслик, кредитлар, бож соҳасидаги тўсиқлар қўйиш, озиқ-овқат ёрдамини етказиб бермаслик ва шу кабилардан фойдаланиш таклиф қилинган эди.

Айнан қўшилмаслик ҳаракатининг бундай асосда кучайиб боришига Ж.Нерунинг тинчликни сақлаш йўлларини изловчи толмас инсон сифатидаги алоҳида хизмати сабаб бўлди. У жуда кўп давлатларга ташриф буюрди, ўша ерлардага давлат раҳбарлари билан муҳим музокаралар олиб борди. Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ассамблеяларида Ҳиндистон делегацияларига раҳбарлик қилди, муҳим халқаро конференциялар ва мажлисларда ўз мамлакатининг намоёндаси сифатида иштирок этди. У умумий ва батамом қуролсизланиш, ядро қуролини таъқиқлаш, давлатлараро можароларни тинч йўл билан ҳал этишишни ёқчаб чиқди. Неру кўплаб Осиё ва Африка мамлакатларининг ташқи сиёсатида янги давр очган тарихий Бандунг конференциясининг ташаббускорлари ва асосий иштирокчиларидан бири эди.

III.3. Халқаро мажароларни ҳал этишда Жавоҳарлаъл Нерунинг фаолияти

Ж.Неру Ҳиндистон ҳукуматининг биринчи раҳбари ва ташқи ишлар вазири сифатида, ўз мамлакатининг ташқи сиёсати асосларини яратди, халқаро чигал масалаларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатди. Унинг мустамлакачилик ва неоколониализм (янги мустамлакачилик), ирқчиликка қарши изчил кураши, ёппасига қуролланишга чек қўйиш, ҳарбий блокларга қўшилмаслик ва бетарафлик сиёсати мамлакат нуфузини оширди.

Қўшилмаслик ҳаракатининг сиёсати ва фалсафасини яратган Неру ҳиндлар ҳеч қандай блокка қўшилмайди ва ҳар қандай ҳарбий иттифокка қаршидир, биз қуришни истаган яккаю-ягона лагерь - тинчлик лагери ҳисобланиб, унда иложи борица кўпроқ мамлакатлар иштирок этиши лозим, деганди. 1947 йилдаёқ, Ҳиндистон ҳукуматининг раҳбари «кучсиз бўлган талайгина кичик мамлакатлар яқин орада қўшилмаслик сиёсати масаласида Ҳиндистондан ўрнатилмас керак», деганди⁹⁶.

1946 йилдаёқ Ж.Неру Ҳиндистон халқаро алоқларнинг фаол субъектларидан бири бўлиши, ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мустақил ташқи сиёсат олиб боришини эълон қилганди. Ўша йили Неру бундан кейин 3 нарса Ҳиндистонда бўлмади, деб эълон қилди. Булар: доминионлик, давлатларнинг Ҳиндистону Покистонга бўлиниши ва инглизлар кетиши билан давлатда диний тартибсизликлар эди⁹⁷. Ж.Нерунинг ташаббуси билан Москва ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1947 йилнинг 13 апрелида, яъни Ҳиндистон сиёсий мустақиллик эришишидан 4 ой аввал ўрнатилди. У мамлакатни ривожлантиришда биринчи галда ушбу давлатнинг ютуқлари билан яқиндан танишиш лозим деб ҳисобларди. Ж.Неру Шарқий Африкадан Янги Зеландия ҳудудларигача бўлган минтақада Ҳиндистон ижобий роль ўйнашини таъкидлади. Ҳиндистон халқаро муносабатларда мустақил таъсир мавқеини эгаллади. Ҳиндистон ташқи сиёсати айрим жиҳатларда Буюк

⁹⁶ Ғиёсов Т.Ғ. Қўшилмаслик ҳаркати – тинчлик ва халқаро хавфсизлик омили. – Т., “Ўзбекистон”, 1984. 316.

⁹⁷ Ўша жойда.

Британия ташқи сиёсатини давом эттиради, айрим жиҳатлардан уни инкор этади. Ҳиндистон ҳақиқатдан иқтисодий жиҳатдан катта салоҳиятга эга эди, лекин унга “савуқ уруш”га таъсир кўрсатиш қийин кечди.

Ядровий қурол монополиясига айланиб улгурган АҚШ ва совет Иттифоқи доимо Ж.Неру ҳаракатидан асабийлашар, чўчишарди⁹⁸. У “биз Россия билан дўст бўлишни, ҳамкор бўлишини истаймиз, лекин биз эҳтиросли халқмиз, бизга танбеҳ беришларини ёқтирмаймиз. Рус сиёсати Ҳиндистонда ҳеч нарса йўдек, инглизча сиёсат маданиятини кўчириб олгандек муносабат билдиради.” 1948 йилда собиқ Иттифоқ Кашмир, Ҳайдарободдаги муаммоларни бартараф этишда ёрдам бериш мумкинлиги таклифини Ж.Неру ҳукумати қабул қилмади. Ҳиндистоннинг собиқ Иттифоқ билан даставвал ҳамкорлиги кейин ўзаро муносабатларнинг ёмонлашуви АҚШ ҳукумати эътиборида Ж.Неру обрўсини кескин ошишига сабаб бўлди. Неру ҳинд океани атрофи давлатларининг конференциясини ташкил этиб, биринчи бор Осиё давлатлари блоки ғарб давлатларига қарши туриш мумкин бўлган куч эканлигини исботлаб берди. Унда Эфиопия ва Мисрдан тортиб Австралия ва Янги Зелландия, Филиппингача бўлган давлатлар иштирок этди.

1947 йил Ҳиндистон ва Покистон тарихида оғир йил бўлди. Икки давлат ҳинду мусулмоннинг кўчиши чегарада тўқнашувларни юзага келтириди. Ушбу тўқнашувларда 5 млндан 10 млнгача инсонлар қурбон бўлди. Одамларга қўшилиб бу пайтда ҳукуматлар ҳам қарахт аҳволда эди. 1948 йил Ж.Неру М.Ганди билан маслаҳатлашиб Покистон ва Ҳиндистон ўртасида Кашмир муаммосини ярим йўлда ташлаб қўймасдан охиригача ҳал этиш кераклигини ёқлаб чиқди⁹⁹. Кашмир озодлиги учун Ҳиндистон Покистон Ислон Республикасига 40 млн фунт стерлинг тўлаши талаб этилди. Неру ва Ганди бундай пул тўланишини инкор этиб чиқдилар. 1948 йил 30 январда М.Гандининг ўлдирилиши Кашмир орқали ҳинду мусулмон

⁹⁸ Сарвепалли Гопал. Джавахарлал Неру. 2-том, 1990. С.173.

⁹⁹ Ўша жойда.

зиддияти Неруни карахт холга солди. Кашмир инқироzi мусулмонларни киргин қилиш орқали юзага чиққанлигини Бирлашган Миллатлар ташкилоти тасдиқлади. Икки давлат ўртасида эълон қилинмаган уруш кетарди. Инглизлар Ҳиндистонга қарши уларнинг қонуний ери учун уруш келтириб чиқаришни режа қилганди. 1947 йилнинг августигача икки давлат таркибига ҳам кирмаган Ҳайдаробод тақдири, Кашмир муаммоси билан узвий боғлиқ эди. Неру 1948 йилгача Покистонни Ҳиндистон билан бирлаштиришга интилди. Аммо, шу йили у бу масала энди хом ҳаёл эканлигини таъкидлаб, мамлакатни мустақкамлашга асосий урғуни берди. Балки, унга М.Гандининг ўлдирилиши қаттиқ таъсир қилганидан шундай хулосага келган бўлиши керак. Кашмир инқирозидан чиқиш масаласида Лаёқат Алихон ва Низом ҳукуматлари билан музокаралар олиб борилди. “Мен нима қилиш зарур бўлса, барчасини қилдим. Ҳайдарободга қарши қатта миқёсдаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатдим. Амин бўлдимки, айрим муаммоларни кескин ҳаракатларсиз ҳал этиб бўлмас экан¹⁰⁰.” Натижада 7 сентябрь Неру Ҳиндистон ҳарбий кучлари контингенти Ҳайдарободга йўналтирилганлигини расман эълон қилди. Мақсад тартибни, қонун ўрнатиш эди, муаммолар ҳал этилди. Шимолий штатлар барчаси Ҳиндистон марказий ҳукумати бошқарувига киритилди.

1949 йилда Ҳиндистон бош вазири АҚШга давлат ташрифи билан келди. Бу йилларда Ҳиндистон ташқи сиёсатида оптимизм ўсиб борди. Нерунинг Трумен билан учрашуви Ҳиндистон ва АҚШ муносабатларини олдинги ҳолатидан ёмонлашувига сабаб бўлди. 1950 йилда Ж.Неру Шарқий Белгалия инқирозидан чиқишда ҳам энг тўғри тинчлик йўлидан борди ва Миллий Конгресс бирлигини сақлаб қолишга интилди.

1950 йил 25 июнь Кореяда уруш бошланди. Ж.Неру икки корейс давлатини ажратиш эмас, бирлаштиришимиз керак, дея ёқлаб чиқди¹⁰¹. Бундай муносабатни АҚШ ҳукумати ёқтирмади, АҚШ Хитой орқали

¹⁰⁰ Неру Ж. Автобиография. 2-том.

¹⁰¹ Сарвепалли Гопал. Джавахарлал Неру. 2-том, 1990. С.211.

Шимолий Кореяни оккупация қилишини билдирди. Кореядаги инқироз ва унга тегишли БМТ резолюциясини Ҳиндистон ҳукумати қўллаб-қувватламади. Ҳиндистон барча давлатлар билан ўзаро алоқаларни сақлаб қолиш тарафдори эди. Ҳиндистон Кореяга ҳарбий ёрдам беришни қоралаб чиқди. Неру 1952 йил БМТга Корея масаласини ҳал этиш учун Ҳиндистондан вакил этиб Кришна Меннонни жўнатди. Корея инқирозида АҚШ ҳукумати Неруни ҳақорат қилиб, “кичик одамлар йирик давлатни қандай бошқарётгани ачинарли”, -деди ва Хитойни БМТнинг тўлақонли аъзоси деб тан олишини билдирди. Неру “америкаликлар ўзининг барча ютуқлари билан яхшидек кўринсада, инсоний сифатларда менга деярли ёқмайди. Руслар тез-тез муомала қилишади, аммо совуқ қонлигича қолишади,¹⁰²” деган фикрларни билдирган. Шуниси эътиборга моликки, Ж.Неру бутун фаолияти давомида машҳур инглиз арбоби У.Черчилль билан дунёнинг турли жойларида бўлаётган ҳодисалар ҳақида фикр алмашиб, хат ёзишиб туришган. Сабаби, Ж.Неру уни дунёнинг кучли сиёсатдонлари қаторида билган.

Ж.Нерунинг Алжир воқеалари, Мисрнинг Сувайш канали устидан назорат бўйича можароларни ҳал этишдаги иштироқи Дехлида Носир ва Пино ҳукумати вакиллари йиғиб учрашувлар, музокаралар ўтказиш билан ифодаланди. У Мисрда Ж.Носир, Салоҳ Салим билан учрашиб, Исроилни янги мамлакат сифатида тан олди. Неру Тибет масаласида Хитой билан муроаса, келишув йўлини тутди. Хитой ва Ҳиндистон ўртасида 1954 йилда шартнома имзоланди¹⁰³. У мустақил Тибетни яратиш таклифига ҳеч қачон жиддий эътибор бермаган. Шу йилларда давомида Неру Гоа ва Нагадаги кескин вазиятни юмшатди. 1955 йилда у Покистоннинг янги раҳбарлари Ғулом Муҳаммад ва Хон Соҳибларни Ҳиндистонга таклиф этди. Нерунинг халқаро майдонда амалга оширган яна бир муҳим ишларидан бири унинг Венгрияда тинчликни ўрнатишдаги иштироқи ҳисобланади. У совет

¹⁰² Неру Ж. Автобиография. 2-том. –С. 73.

¹⁰³ Сарвепалли Гопал. Джавахарлал Неру. 2-том, 1990. С.154.

Иттифоқининг оккупациясига қарши венгер халқи БМТга мурожаат қилса, бизнинг қараб туришимиз ноўрин¹⁰⁴, деб таъкидлади.

Ж.Нерунинг Африкада тинчлик ўрнаниш, миллатлараро тўқнашувларни тинч йўл билан ҳал этишдаги ишлари ҳам таҳсинга сазавор. Хусусан, у Африкадаги мау-мау қабилалари масаласида Дехлида конференция ўтказишга эришди. У “ҳозир африкаликларни ўқитиш вақти эмас, уйи ёнаётганда ҳеч кимнинг кўнглига ўқиш сиғмайди. Африкаликлар кичик ислоҳот ўтказишиб, ўзлари нима хоҳлашаётган бўлса, шуни амалга ошириши тўғри бўлади. Мен африкаликлар ортида турибман, фақат мен уларни энг тўғри деб саналган йўлга бошлайман”, - деганди. Неру расизмни кескин қоралаб, африкадаги нага қабилалари билан учрашиб, уларни тинчликка даъват этди.

“Бир жойда ўт олган ёнғиннинг атроф-теваракка ёйилмаслиги учун уни ўз вақтида ўчириш лозим”, деган ақидага риоя қилиб, Неру минтақа ва қитъаларда рўй берган уруш учоқларини тезкорлик билан даф этишда фаол қатнашди. Жумладан, Жазоир, Корея (50-йиллар бошлари), Вьетнам, Лаос, Кампучия (1954 йил), Миср (1956 йил) ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги қуролли тўқнашувларни бартараф этишда Ж.Неру Ҳиндистон раҳбари сифатида ўз улушини қўшди. Ж.Неру ва у бошлиқ ҳукумат давлатлар ўртасидаги қуролли можароларга чек қўйишда тинч, дипломатик усуллар, чунончи, ўзаро учрашувлар, музокаралар, воситачилик, келишиш, яраштириш, арбитраж йўлларида кенг фойдаланди.

Халқаро муносабатларда Неру ҳукумати бетарафлик, ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик сиёсатини олиб борди, собиқ Иттифоқ ва бошқа мамлакатлар билан дўстона иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик ўрнатилди, Осиё ва Африкадаги колониализм ва неоколониализм сиёсатига кескин қарши чиқди. Англия, Франция, Исроилнинг Мисрга (1956 йил), АҚШнинг Ливанга (1958 йил) ва Буюк Британиянинг Иорданияга қарши (1958 йил)

¹⁰⁴ Ўша асар. –С. 247.

агрессияларини қоралади. 1963 йилда Ҳиндистон ҳукумати ядро қуролини уч муддатда синашни тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасини имзолади.

Мамлакатнинг бундан кейинги тараққиёт йўлини белгилашда ҳинд миллий буржуазиясининг турли гуруҳлари орасида ўзаро кураш кучайиб кетди. Реакция кучларининг бирлашуви натижасида 1959 йилда Сватантра партияси вужудга келди. Реакцион кучлар Ҳиндистоннинг ташқи сиёсатини ўзгартира олмагач, Миллий Конфесснинг ички сиёсатига таъсир ўтказа бошладилар. Натижада, XX асрнинг 60-йилларида йирик капиталга маълум даражада ён босила бошлади. 1964 йил майда Ж. Неру вафотидан сўнг, Ҳиндистон Миллий Конгресс партиясининг аҳволи оғирлашди. Натижада тинчликнинг жонкуяр ҳимоячиси вафот этиши биланоқ, 1965 йил кузида Ҳиндистон-Покистон можароси юз берди. 1966 йилда собиқ Иттифок ҳукуматининг тинчлик ташаббуси билан Тошкент декларациясининг имзоланиши бу икки мамлакат ўртасидаги низоларнинг ҳал қилинишига асос солди. 1966 йил январда Бош вазир Л.Б.Шастри вафотидан сўнг, Ж.Нерунинг қизи И. Ганди Ҳиндистон Бош вазири бўлди.

И. Ганди ҳукумати Нерунинг бетарафлик сиёсатини давом эттириб, халқаро майдонда Осиё ва Африка мамлакатларига қилинган империалистик агрессияларни қоралади. Ж.Неру ўз даврининг моҳир дипломати ҳисобланиб, деярли дунёнинг барча минтақасида тинчлик ўрнатиш ва уни ҳимоя қилиш ишида жонбозлик кўрсатиб, халқаро муносабатларда кам учрайдиган байналминал таъсирга эга вакил даражасига эришди.

ХУЛОСА

“Ҳиндистоннинг буюк фарзанди – Жавоҳарлаъл Неру” мавзуси орқали дунё халқлари тараққиётига муносиб ҳисса қўшган инсон Ж.Неру фаолияти тарихини тадқиқ этиб қуйидаги хулосаларга келдик:

Жавоҳарлаъл Неру ҳинд халқининг йирик давлат арбоби, атоқли файласуфи, иқтисодчи, тарихчи ва ҳуқуқшунос олими бўлиб, ўзининг маҳсулдор фаолияти, ғайрати ва шижоати эвазига Неру фақат ўз юртида эмас, балки жаҳондаги машҳур лидерлардан бири сифатида тарихда қолди. Неру софдил, хушфеъл, хушсифат, аммо жуда ишчан, талабчан ва довюрак инсон бўлиб, шеърият, адабиёт ва санъатнинг чинакам ихлосманди бўлган. Неру чуқур қомусий билим соҳиби, кенг фалсафий мушоҳада кишиси, мутафаккир инсон эди. Унда ҳинд халқининг донолиги, меҳнаткашлиги, оққўнгилиги мужассамланган. Неру ҳинд аёлларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатди, уларнинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашига амалий ёрдам бериб, гендер тенглигини ҳинд жамиятига олиб кирди.

Ёш Жавоҳарлаъл учун отаси олиб борган сиёсий фаолият алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг келажакда “Янги Ҳиндистон бунёдкори” номи билан тарихда машҳур бўлишига замин яратди.

Неру Ҳиндистонда Англия мустамлака истибдодига қарши “свараж” ва “свадешӣ” (миллий мустақиллик ва миллий саноат) шиорлари остидаги миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарларидан бўлиб, устози Моҳандас Карамчанд Гандининг “гандизм” ғояси остидаги курашни давом эттирди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Неру, халқаро майдонда тинчлик адолат, демократия ва тараққиёт ғоялари учун изчил ва довюрак курашчи, фашизм ва милитаризмни кескин қораловчи сифатида танилди.

У Ҳиндистонни икки давлатга ажратишни назарда тутувчи “Маунтбеттен режаси”ни бекор қилишга интилиб, янги Ҳиндистонни барпо этишда Неру ҳинд халқининг менталитети, яъни унинг ўтмиш тарихи, миллий анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи, кўпмиллатлилиги ва турли динларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, ўз номи билан аталган “Неру

курси”ни ҳаётга тадбиқ қилди. Неру бош бўлган ҳукумат куч-ғайрат ва катта катъият билан иқтисодий қолоқлик ва диний низолар натижасида бутун Ҳиндистонни қамраб олган даҳшатли хунрезликни бартараф этди. Мамлакатдаги ҳинд иттифоқиға 601 та князликлардан 555 тасини бирлаштиришга эришди. Шубҳасиз, Неру Ҳиндистон мустақиллигининг асосчиларидан ва унинг жонкуяр ҳимоячиларидан эди. 1950 йил Ж.Неру ташаббуси билан Ҳиндистон демократик Республика, деб эълон қилинди.

Ички сиёсатда Неру ҳинди, сикх, мусулмон барчага тенг муносабат олиб борди. 17 йил давомида узлуксиз ҳукумат бошлиғи бўлиб турган Жавоҳарлаъл Нерунинг хизмати туфайли Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси таркиби жиҳатидан жуда хилма-хил бўлган жамиятнинг орзу-умидларини ифода қилиб, Ҳиндистонни замонавий Европача модернизациялашган демократик давлатга айлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегик йўлни ишлаб чиқди, амалга оширди.

1950 йилда Неру раислигида мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида беш йилликлар режалари комиссияси тузилди. Халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида мамлакатда 11 та беш йиллик режалари амалга оширилди. Ж.Неру аграр соҳада феодал муносабатларни бекор қилишни жорий қилди. Зодогонларга ижарачи деҳқонларни ердан ҳайдаб юбориш ман қилинди. Ҳиндистондаги иқлимнинг хилма-хиллиги сабабли, ерларни суғориш, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида йирик сув омборлари, гидротехника иншоотлари, каналлар, суғориш шохобчалари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости зах сувларини пасайтириш муаммоларига жуда катта эътибор бериб, улар устидаги илмий-тадқиқот ишлари айнан Ж.Неру даврида бошланди.

Ж.Неру ҳукуматининг иқтисодиёт соҳасидаги асосий куч-ғайрати, аввалло, саноатда давлат секторини жадал ривожлантиришга қаратилди. Бунинг учун давлат томонидан металлургия, машинасозлик, электр-энергетика, кўмир ва нефть саноати корхоналари қурилди. Қатор

тармоқларда хусусий сармоядан фойдаланишга йўл қўйилмади. Аммо, ўрта ва майда бизнес қўллаб-қувватланди. Неру ташаббуси билан Ҳиндистон Миллий Конгресси сиёсати асрлар давомидаги барқарор каста тизимида ўзгариш ясади, унинг яхлитлигини бузди. Ҳиндистонликларнинг амалдаги тенг ҳуқуқлигига эришиш борасида дастлабки қадам қўйилди.

Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида батамом мужассамлаштирган буюк байналмилалчи Ж.Неру Европа, Осиё, Африка тарихига бир хилда ёндашди, уларни бир-биридан паст ёки юқори қўймади, кишилиқ тарихини барча инсоният учун баравар ва умумий деб ҳисоблаб, Ғарб билан Шарқни яқинликка даъват этди. Ж.Неру жаҳон халқлари тарихи, фалсафаси, иқтисоди каби ижтимоий фанлар соҳаларининг чуқур билимдони эди. Унинг сайланма асарларининг ўзи 9 жилддан иборат эди. Инсон масаласини умумий тарзда муҳокама қилар экан, Неру гуманистик позицияга оғишмай амал қилди, фаол равишда ижтимоий тенгсизликка қарши курашди. У Ҳиндистонда таълим ривожига ҳам катта ҳисса қўшди, ўзи ҳам фанларнинг турли соҳасида унумли ижод қилди. Унинг буюк ғоялари бугунги кунда ҳам тинчлик ва ижтимоий тараққиётни кадрлайдиган инсонлар учун жуда яқиндир.

Неру Ҳиндистон ҳукуматининг биринчи раҳбари ва ташқи ишлар вазири сифатида ўз мамлакатининг ташқи сиёсати асосларини яратди ва уларни ҳаётга татбиқ қилди. Уни ҳақиқий равишда Ҳиндистон ташқи сиёсатининг меъмори дейишган. У характерли, можаро ва низоларга тўлиб-тошган, одамзод тақдири қил устида турган даврда кўпчилик фикрини чулғаб олган халқаро масалаларни ҳал этишда катта жонбозлик кўрсатди. Унинг мустамлакачилик ва неоколониализм (янги мустамлакачилик), ирқчиликка қарши тинимсиз кураши, ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслик ва бетарафлик, ёппасига қуролланишга чек қўйиш, фаол ва ижобий нейтралитет сиёсати мамлакатнинг халқаро обрў ва нуфузини оширди. Ҳам мутафаккир, ҳам давлат арбоби сифатида Неру имперализмга қарши кураш, халқаро тинчликни барпо этиш, миллий-озодлик кучларини мустаҳкамлаш ишига улкан ҳисса қўшди.

Ҳиндистон Миллий Конгрессининг ташқи сиёсати шу партия ички сиёсатининг бевосита давоми эди. Бу сиёсатга Ж.Неру асос солган бўлиб, унга “куч ишлатмаслик” ғояси ҳам таъсир ўтказган эди. Неру тинч-тотув яшашнинг беш асосий қоидаси - “панча шила” (ҳинд тилида - беш асосий қоида)ни ишлаб чиқди. У қўшилмаслик ҳаракати ташаббускорларидан бири бўлиб, аслида Неру мазкур ҳаракатнинг “норасмий раҳбари” эди.

“Бир жойда ўт олган ёнғиннинг атроф-теваракка ёйилмаслиги учун уни ўз вақтида ўчириш лозим”, деган ақидага риоя қилиб, Неру минтақа ва китъаларда рўй берган уруш учоқларини тезкорлик билан даф этишда фаол қатнашди. Жумладан, Покистон билан Кашмир инқирозини бартараф этиш, Жазоир, Корея (50-йиллар бошлари), Вьетнам, Лаос, Кампучия (1954 йил), Миср (1956 йил) ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги қуроли тўқнашувларни бартараф этишда Ж.Неру Ҳиндистон раҳбари сифатида ўз улушини қўшди. Ж.Неру ва у бошлиқ ҳукумат давлатлар ўртасидаги қуроли можароларга чек қўйишда тинч, дипломатик усуллар, чунончи, ўзаро учрашувлар, музокаралар, воситачилик, келишиш, яраштириш, арбитраж йўлларида кенг фойдаланди. Англия, Франция, Исроилнинг Мисрга (1956 йил), АҚШнинг Ливанга (1958 йил) ва Буюк Британиянинг Иорданияга қарши (1958 йил) агрессияларини қоралади. 1963 йилда Ҳиндистон ҳукумати ядро қуролини уч муддатда синашни тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасини имзолади. Ўзининг тинчлик ишига садоқати, оммавий қирғин қуролини йўқотишга қаратилган тиниб-тинчимас фаолияти, мустамлака тузумига барҳам бериш, қўшилмаслик сиёсатини изчиллик билан амалга оширишдаги саъй-ҳаракати жиҳатидан у дунё тақдирини ҳал қилувчи шахслардан бирига айланди.

Бугунги кунда ўзаро ишонч ва ҳурмат, манфаатдорлик ва амалий ҳамкорлик тамойилларига асосланган Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил тараққий этмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ҳам айнан Ж.Неру янги босқичга олиб чиқди. Нерунинг Ўзбекистонга нисбатан бўлган муносабати ҳам жуда илиқ

ва самимий эди. Шу сабабдан у 1955, 1962 йилларда Ўзбекистонга икки бора ташриф буюрди.

XX асарда Ҳиндистонда Маҳатма Гандини истисно қилганда ҳеч ким ҳинд халқининг ҳаётига мазкур “Ҳиндистон бриллианти” каби таъсир кўрсатмаган. Унинг номи фақат бир миллиарддан ортиқ халқли Ҳиндистонни эмас, балки Осиё ва Африканинг юз миллионли халқлари, сайёрамиздаги барча тинчликсевар, тараққийпарвар кишиларнинг орзу-умидлари, тилак-хоҳишлари билан чамбарчас боғланган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. асарлар. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон” 1996.
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда.-Т.:Ўзбекистон, 1999.
7. Каримов И.А. “Асосий вазиғамиз – ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдиғ” Т., “Ўзбекистон”, 2010.
8. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Т., “Ўзбекистон”, 2010.
9. Каримов И. “Малакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиз” Ишонч газетаси, №12 28.01.2010

II. Ўзбекистонлик олимларнинг асарлари

1. Абдураззоқова М. XX асрнинг иккинчи ярми жаҳон тарихи (Мағрузалар тўплами). -Т., 2000. Б.270.
2. Гиёсов Т.Г. Концептуальные проблемы новой и новейшей истории зарубежного востока. – Т., 2008. С.124.
3. Йўлдошев А.А. Жавоҳарлаъл Неру. “Ўзбекистон”, Т., 1989.
4. Лағасов М. Жаҳон тарихи (1918-2008). “Турон-иқбол”, Т, 2010. Б. 224.
5. Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939): пед. институтларнинг студентлари учун дарслик /- Тошкент : «Ўқитувчи», 1978.
6. Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1939-1970): 2-том. Тошкент : Ўқитувчи, 1981.
7. Хидоятлов Ғ.А., Гуломов Х.Г. Всемирная история. Новейший период Европа и США после второй мировой войны (1945-1999) Учебное пособие для студентов Р.У.Т., 1999.
8. Гиёсов Т.Г. Қўшилмаслик ҳаркати – тинчлик ва халқаро хавфсизлик омили. – Т., “Ўзбекистон”, 1984. 31б.
9. Гоғуров А. Қиндистон. ФарДУ. 2009. -Б. 238.
10. Миллий энциклопедия. 9-том, (Неру Жоваҳарлаъл, Неру Мотилаъл)

III. Манбалар, ҳужжатлар ва материаллар

1. Jawaharlal Nehru. An Autobiography. – London, 1953. P. 610.
2. Jawaharlal Nehru. Glimpses of world history. – London, 1949. P. 320.
3. Jawaharlal Nehru. The discovery of India. London, P. 600.
4. Jawaharlal Nehru. Independence and after. Delhi. 1949.

5. Jawaharlal Nehru. India's Foreign Policy. Delhi. 1961. (Selected speeches)
6. Jawaharlal Nehru. India's Freedom. I., 1962. P. 175.
7. Neru's Speeches, 1953. 1957. New Delhi, 1957. P. 490.
8. Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю. –М., «Прогресс», 1975. С. 382.
9. Джавахарлал Неру. Мировоззрение. (отв: акад. Б.Г.Гафуров, А.Д.Литман) – М., «Наука», 1973. С. 210.
10. Джавахарлал Неру. Открытие Индии. –М.-Л., «Иностранной литературы», 1955. С.650.
11. Джавахарлал Неру. Автобиография.(перевод. В.В.Исаакович, Д.Э.Кунина, В.Н.Павлов)- М., «Иностранной литературы», 1955. С.653.
12. Джавахарлал Неру. Внешняя политика Индии. Избранные речи и выступления. -М., 1965. С. 210.
13. Ганди Индира. Статьи, речи, интервью, М., 1984. С. 230.

IV. Хорижий тиллардаги адабиётлар:

(рус олимлари)

1. Антонова К.А. Г.М.Бонгард-Левин, Г.Г.Котовский, История Индии. М., «Мысль» 1973. С. 558.
2. Алаев Л.Б. Средневековая Индия. Востоковедение. «Алетейя». Санкт Петербург. 2003. С. 270.
3. Дьячков С.В. История средневекового Востока. «НТМЛ» Харьков, 2008
4. Насенко Ю. Джавахарлал Неру и внешняя политика Индии. М., 1975.
5. Нихамин В.П. Очерки внешней политики Индии. –М., «Политической литературы», 1959, С.225.
6. Мартышин О.В. Политический взгляды Жавахарлала Неру. «Наука», М., 1981.
7. Ульяновский Р. Очерки национально-освободительной борьбы. М., 1979. С. 246.

(хинд олимлари)

1. Dutt S. Nehru in the Foreign office. Calcutta. 1977. P. 320.
2. Сарвепалли Гопал. Джавахарлал Неру. (биография, 1-том 1889-1947), М., «Прогресс», 1989. С.445.
3. Сарвепалли Гопал. Джавахарлал Неру. (биография, 2-том 1947-1956), М., «Прогресс», 1990. С.350.
4. Kamath H. Last days of Jawaharlal Nehru. Calcutta. 1977. P.184.
5. Seton M. Panditj. A Portrait of Jawaharlal Nehru. New York, 1967. P. 450

(инглиз олимлари)

1. Brecher M. Nehru: a Political Biography. London. 1959.
2. Grocker W. Nehru. A Contemporary's Estimate. London. 1959. P.270.
3. Edwardes M. Nehru. A political biography. London. 1971. P. 410

V. Монографиялар ва ҳаммуаллифликдаги асарлар:

1. Горев А., Зимянин В. Неру. (Жизнь замечательных людей), -М., 1980. С.416
2. Володин А., П.Шаститко. Жизнь и борьба Джавахарлала Неру. «Пусть не обманет надежда!». П. М. 1990. С. 350.

VII. Мақолалар ва тезислар:

1. Бобохўжаева Р. Ўзбекистон – Ҳиндистон маданий алоқалари. // Шарқ Машъали журнали. ТДШИ. 2006. 1-2 сон.
2. Ибрагимов Н. Ўзбекистоннинг Покистон Ислом Республикаси билан сиёсий муносабатлари. // Шарқшунослик журнали. ТДШИ. 2003. 1-сон.
3. Обидов Б. Жавоҳарлаъл Неру дунёқарашида инсонпарварлик ғоялари. // Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. 40-43 б.
4. Лунев С.И. Внешняя политика Индии и воздействие на нее внутренних факторов. // Вестник. Научные школы МГИМО. 2010. –С. 1-13
5. Садибекова Б. Ҳиндистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш қонунчилиги ва амалиёти. // Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. 33-37 б.
6. Турсунмуратов Т. Ҳинд ахборот коммуникацион технологиялар ривожланишида давлатнинг роли. // Шарқшунослик журнали. ТДШИ. 2007. 1-сон.
7. Гиёсов Т.Ғ. Ватанини кашф этган инсон. // Фан ва турмуш журнали. ЎзФА. 1989 ноябрь. 24-26 б.
8. Гиёсов Т.Ғ. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2000. 148-153 б.
9. Гиёсов Т.Ғ. Ўзбек халқининг содиқ дўсти. // Жаҳон адабиёти журнали. Т., 2009. 149-153 б.
10. Шоматов О., Нурматов С. Ўзбек-ҳинд маданий алоқалари ривожланишида ўзбек хиндшуносларининг қўшган ҳиссаси. Шарқ машъали журнали. ТДШИ. 2010. 1-сон. 7-11 б.
11. Bose D.K. India's Options in Nuclear World. //“Economic and Political Weekly”. 1985. vol. 20. #38.
12. Ўзбекистон – Ҳиндистон. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунларига доир. // Халқ сўзи. 2011 йил 19 май, №98, 1-бет
13. С.Сиёев. Дўстлар суҳбатига муштоқ шоир. //Тошкент ҳақиқати. 2011 2 февраль, 13-сон.
14. Н.Умарова. Ўзбекистон – Ҳиндистон: ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқболлари. // “Жаҳон АА”. 2011 йил 14 май.
15. Н.Умарова. Дўстлик ва ҳамкорлик байрами. // Ўзбекистон ахборот агентлиги портали. 2010 йил 2 февраль.

VIII. Таҳлилий порталлар ва интернет сайтлари:

www.wikimania.org/9011731/ru/Жавахарлал-Нехру
www.ru.wikipedia.org/.../Нехру,_Джавахарлал
www.wdict.net/word/Нехру,+Джавахарлал
www.harappa.com/.../nehru.html
www.iloveindia.com/.../jawaharlal-nehru
www.rtrd.nic.in/jawaharlalnehru
www.indianchild.com/jawaharlal_nehru.htm
www.britannica.com/.../Jawaharlal-Nehru
www.liveindia.com/.../JawaharlalNehru.html
www.topuniversities.com/.../jawaharlal-nehru-university
www.cceby.com/.../jawaharlalnehru.cfm
www.thefamouspeople.com/.../jawaharlal-nehru-49.php
www.hyperhistory.net/.../b3nehru.htm
www.famous-relationships.topsynergy.com/Jawaharlal_Nehru/
www.culturalindia.net/.../jawaharlal-nehru.html